

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ 37-38-сон
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ (953-954)
ТЎПЛАМИ 2020 йил
28 сентябрь

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Биринчи бўлим

418. «Халқ депутатлари Кенгашлари фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 14 сентябрдаги ўРҚ–636-сон Қонуни
419. «Таълим тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрдаги ўРҚ–637-сон Қонуни

Иккинчи бўлим

420. «Халқаро шартномани тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 15 сентябрдаги ПҚ–4826-сон қарори
421. «Халқаро шартномани тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 15 сентябрдаги ПҚ–4827-сон қарори

422. «Пахта ҳосили теримини механизациялашни молиявий қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 15 сентябрдаги ПҚ-4828-сон қарори
423. «Хавфсиз, тартибли ва қонуний меҳнат миграцияси тизимини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 15 сентябрдаги ПҚ-4829-сон қарори
424. «Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш халқаро жамғармаси иштирокида «Қишлоқ хўжалигини диверсификация ва модернизация қилиш» лойиҳасини амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 15 сентябрдаги ПҚ-4830-сон қарори
425. ««Табий газ назорати ва ҳисобининг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш» лойиҳасини амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 сентябрдаги ПҚ-4840-сон қарори
426. «Халқаро шартномага қўшилиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 25 сентябрдаги ПҚ-4842-сон қарори

Бешинчи бўлим

427. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2020 йил 4 сентябрдаги 13/9-сон «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан қабул қилинган айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 16 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3282*)
428. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2020 йил 18 сентябрдаги 203-мх-сон «Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш, юридик-техник жиҳатдан расмийлаштириш ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисида услубий кўрсатмаларга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 18 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2352-9*)
429. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки бошқаруви, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2020 йил 11 сентябрдаги 41-сон, 2020 йил 9 сентябрдаги 209-МН-сон, 2020 йил 11 сентябрдаги 21/4-сон «Ўзбекистон почтаси» очиқ акциядорлик жамиятининг талаб қилиб олинган махсус депозит ҳисобварақларидан операцияларни амалга ошириш ва уларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартиби тўғрисидаги низом-

ни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни, шунингдек, унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 22 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1790-2*)

430. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2020 йил 7 сентябрдаги 18/15-сон «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки облигацияларининг чиқарилиши ва муомалада бўлиши тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 24 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3080-1*)

431. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2020 йил 10 сентябрдаги 39-сон «Суғурталовчи ва қайта суғурталовчининг инвестицион фаолияти тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 25 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1982-1*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

БИРИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ****418 Халқ депутатлари Кенгашлари фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида***

Қонунчилик палатаси томонидан
2020 йил 21 августда қабул қилинган

Сенат томонидан 2020 йил 11 сентябрда
маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган «**Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида**»ги 913–XII-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 9, 320-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 9, 241-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 418-модда; 2007 йил, № 4, 163-модда, № 9, 420-модда; 2008 йил, № 12, 640-модда; 2013 йил, № 12, 350-модда; 2014 йил, № 4, 86-модда, № 5, 130-модда; 2015 йил, № 6, 228-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда, № 8, 383-модда, № 9, 510-модда, № 12, 772-модда; 2018 йил, № 7, 431-модда; 2019 йил, № 1, 4-модда, № 11, 792-модда, № 12, 891-модда) **20-моддаси** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«20-модда. Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши котибияти

Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши фаолиятига ташкилий, техникавий ва бошқа жиҳатлардан хизмат кўрсатиш тегишли халқ депутатлари Кенгаши котибияти томонидан таъминланади.

Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши котибияти юридик шахс бўлиб, унинг фаолияти тегишли маҳаллий бюджет ҳисобидан молиялаштирилади.

Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши котибиятининг тузилмаси, низоми, штатлари, унинг ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш миқдори ва моддий-техника таъминоти, шунингдек уларни сақлаш харажатлари тегишли халқ депутатлари Кенгаши томонидан тасдиқланади.

* Ушбу Қонун «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 15 сентябрда эълон қилинган.

Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши котибияти ходимларининг меҳнатга оид муносабатлари халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг ваколатлари муддатига боғлиқ бўлмайди, котибият мудири бундан мустасно.

Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши котибиятининг мудири тегишли халқ депутатлари Кенгаши депутатлари орасидан унинг ваколати муддатига тайинланади.

Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши котибияти Ўзбекистон Республикаси Давлат герби ва ўз номи туширилган муҳрига ҳамда бланкаларига эга бўлади.

Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши котибиятининг намунавий тузилмаси ва намунавий низоми Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Кенгаши томонидан тасдиқланади».

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 2 декабрда қабул қилинган «**Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида**»ги 706–II-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 1, 10-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, № 4, 224-модда; 2019 йил, № 9, 588-модда; 2020 йил № 8, 488-модда) **16-моддасининг биринчи қисмидаги** «Вилоят, туман, шаҳар ҳокимликлари» деган сўзлар «Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши котибияти» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин; давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин; ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

4-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 14 сентябрь,
ЎРҚ–636-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

419 Таълим тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2020 йил 19 майда қабул қилинган

Сенат томонидан 2020 йил 7 августда
маъқулланган

1-боб. Умумий қоидалар**1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади**

Ушбу Қонуннинг мақсади таълим соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

2-модда. Таълим тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Таълим тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг таълим тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

3-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

давлат аккредитацияси — давлат таълим муассасалари ва ташкилотлари, шунингдек нодавлат таълим ташкилотлари (бундан буён матнда таълим ташкилотлари деб юритилади) фаолиятининг давлат таълим стандартлари ва давлат таълим талабларига ҳамда ўқув дастурларига мувофиқлигининг давлат томонидан эътироф этилиши ҳамда уларнинг битирувчиларига маълумот тўғрисидаги ҳужжатларни топшириш ҳукуқининг тақдим этилишидан иборат жараён;

давлат таълим муассасаси — давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан давлат мулки бўлган мол-мулк негизида ташкил этилган, давлат таълим стандартларига ва давлат таълим талабларига мувофиқ таълим берадиган муассаса;

давлат таълим стандартлари — давлат томонидан таълимнинг мазмуни ва сифатига нисбатан белгиланадиган талаблар мажмуи;

давлат таълим талаблари — таълимнинг тузилмасига, мазмунига ва уни амалга ошириш шарт-шароитларига, шунингдек таълим олувчиларнинг жисмоний, шахсий, интеллектуал, илмий ҳамда касбий сифатларига қўйиладиган мажбурий талаблар;

* Ушбу Қонун «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 24 сентябрда эълон қилинган.

малака — шахснинг касбий фаолиятнинг муайян турини бажаришга тайёргарлигини ифодалайдиган, маълумот тўғрисидаги тегишли хужжат билан тасдиқланадиган билим, қобилият, маҳорат ва кўникмалар даражаси;

мутахассислик — малака бериш билан яқунланадиган муайян касбий тайёргарлик турининг номи;

нодавлат таълим ташкилоти — давлат таълим стандартлари, давлат таълим талаблари ва ўқув дастурларига мувофиқ таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берадиган лицензия асосида таълим хизматлари кўрсатувчи юридик шахс;

тарбия — аниқ мақсадли ҳамда ижтимоий-тарихий тажриба асосида ёш авлодни ҳар томонлама камол топтиришга, уларнинг онгини, маънавий-ахлоқий кадриятлар ва дунёқарашини шакллантиришга қаратилган тизимли жараён;

таълим — таълим олувчиларга чуқур назарий билим, малакалар ва амалий кўникмалар беришга, шунингдек уларнинг умумтаълим ва касбий билим, малака ҳамда кўникмаларини шакллантиришга, қобилиятини ривожлантиришга қаратилган тизимли жараён;

таълим кампуси — ягона ҳудудда бирлаштирилган ўқув биноларини, илмий-тадқиқот институтларини (марказларини), ишлаб чиқариш мажмуалари ва технопаркларни, таълим-тарбия жараёни иштирокчиларининг вақтинча яшаш жойларини, лабораторияларни, ахборот-ресурс марказларини (кутубхоналарни), спорт иншоотларини, умумий овқатланиш объектларини ўз ичига олган бинолар ҳамда иншоотлар мажмуидан иборат бўлган, ўқув жараёни, маънавий-ахлоқий тарбиянинг юқори самарадорлигини таъминлайдиган таълим-тарбия муҳити;

таълим-тарбия жараёни иштирокчилари — таълим олувчилар, вояга етмаган таълим олувчиларнинг ота-оналари ёки бошқа қонуний вакиллари, педагог ходимлар ва уларнинг вакиллари;

таълим ташкилотлари аттестацияси — таълим ташкилотларининг фаолиятини баҳолаш, давлат таълим стандартлари, давлат таълим талаблари ҳамда ўқув дастурларига мувофиқ кадрлар тайёрлаш мазмуни, даражаси ва сифатини аниқлаш бўйича давлат назоратининг асосий шакли.

4-модда. Таълим соҳасидаги асосий принциплар

Таълим соҳасидаги асосий принциплар қуйидагилардан иборат:

таълим устуворлигининг тан олиниши;

таълим олиш шаклини танлаш эркинлиги;

таълим соҳасида камситишларга йўл қўйилмаслиги;

таълим олишга доир тенг имкониятларнинг таъминланиши;

таълим ва тарбияга миллий ҳамда умуминсоний кадриятларнинг сингдирилганлиги;

таълим ва тарбиянинг инсонпарварлик, демократик хусусияти;

таълимнинг узлуксизлиги ва изчиллиги;

ўн бир йиллик таълимнинг ҳамда олти ёшдан етти ёшгача бўлган болаларни бир йил давомида умумий ўрта таълимга тайёрлашнинг мажбурийлиги;

давлат таълим стандартлари ва давлат таълим талаблари доирасида таълим олишнинг ҳамма учун очиқлиги;

ўқув дастурларини танлашга доир ёндашувнинг ягоналиги ва табақалаштирилганлиги;

инсоннинг бутун ҳаёти давомида таълим олиши;

жамиятда педагогларни ижтимоий ҳимоя қилишнинг кафолатланганлиги;

таълим тизимининг дунёвий хусусиятга эгаллиги;

билимлилик, қобилиятлилик ва истеъдоднинг рағбатлантирилиши;

таълим тизимида давлат ва жамоат бошқарувининг уйғунлиги;

таълим фаолияти соҳасидаги очиқлик ва шаффоқлик.

5-модда. Таълим олиш ҳуқуқи

Жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, ҳар кимга таълим олиш учун тенг ҳуқуқлар кафолатланади.

Таълим олиш ҳуқуқи:

таълим ташкилотларини ривожлантириш;

таълим ташкилотларида инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш ва ўқув дастурларини инновацион технологияларни қўллаган ҳолда амалга ошириш;

ишлаб чиқаришдан ажралган (кундузги) ва ажралмаган ҳолда (сиртки, кечки, масофавий) таълим олишни ташкил этиш;

кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш;

умумий ўрта, ўрта махсус таълимни ва бошланғич профессионал таълимни бепул олиш;

оилада ёки мустақил ўқиш орқали таълим олган фуқароларга, шунингдек умумий ўрта таълим олмаган шахсларга аккредитациядан ўтган давлат таълим муассасаларида экстернат тартибида аттестациядан ўтиш ҳуқуқини бериш орқали таъминланади.

Чет эллик фуқаролар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига ва қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасида таълим олишга ҳақлидир.

Ўзбекистон Республикасида доимий яшаётган фуқаролиги бўлмаган шахслар таълим олиш учун Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан тенг ҳуқуқларга эга.

2-боб. Таълим тизими, турлари ва шакллари

6-модда. Таълим тизими

Таълим тизими:

давлат таълим стандартларини, давлат таълим талабларини, ўқув режалари ва ўқув дастурларини;

давлат таълим стандартларини, давлат таълим талаблари ва ўқув дастурларини амалга оширувчи таълим ташкилотларини;

таълим сифатини баҳолашни амалга оширувчи ташкилотларни;

таълим тизимининг фаолият кўрсатиши ва ривожланишини таъминлаш учун зарур бўлган тадқиқот ишларини бажарувчи илмий-педагогик муассасаларни;

таълим соҳасидаги давлат бошқаруви органларини, шунингдек уларнинг тасарруфидаги ташкилотларни ўз ичига олади.

Таълим тизими ягона ва узлуксиздир.

7-модда. Таълим турлари

Таълим турлари қуйидагилардан иборат:

мактабгача таълим ва тарбия;

умумий ўрта ва ўрта махсус таълим;

профессional таълим;

олий таълим;

олий таълимдан кейинги таълим;

кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш;

мактабдан ташқари таълим.

8-модда. Мактабгача таълим ва тарбия

Мактабгача таълим ва тарбия болаларни ўқитиш ва тарбиялашга, уларни интеллектуал, маънавий-ахлоқий, этик, эстетик ва жисмоний жиҳатдан ривожлантиришга, шунингдек болаларни умумий ўрта таълимга тайёрлашга қаратилган таълим туридир.

Мактабгача таълим ва тарбия олти ёшдан етти ёшгача бўлган болаларни бошланғич таълимга бир йиллик мажбурий тайёрлашни ҳам назарда тутди.

Мактабгача таълим ва тарбияни ташкил этиш тартиби ушбу Қонун, шунингдек «Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан белгиланади.

9-модда. Умумий ўрта ва ўрта махсус таълим

Умумий ўрта ва ўрта махсус таълим умумтаълим ўқув дастурларини, зарур билим, малака ҳамда кўникмаларни ўзлаштиришга қаратилган.

Умумий ўрта таълим (I — XI синфлар) босқичлари қуйидагилардан иборат:

бошланғич таълим (I — IV синфлар);

таянч ўрта таълим (V — IX синфлар);

ўрта таълим (X — XI синфлар).

Умумий ўрта таълим ташкилотининг биринчи синфига болалар улар етти ёшга тўладиган йилда қабул қилинади.

Бошланғич таълим таълим олувчиларда умумий ўрта таълимни давом эттириш учун зарур бўлган саводхонлик, билим, малака ва кўникмалар асосларини шакллантиришга қаратилган.

Таянч ўрта таълим ўқув дастурига мувофиқ таълим олувчиларга билим, малака ва кўникмаларнинг зарурий ҳажмини беради, уларда мустақил фикрлаш ва таҳлил қилиш қобилиятини ривожлантиради.

Таянч ўрта таълим доирасида (VII синфдан сўнг) таълим олувчиларда

касблар бўйича бирламчи билим ва кўникмаларни шакллантириш учун уларни профессионал ташхислаш ва касб-хунарга йўналтириш бўйича чоралар амалга оширилади.

Ўрта таълим ўқув дастурига мувофиқ таълим олувчилар томонидан зарур билим, малака ва кўникмалар ўзлаштирилишини, шунингдек таълимнинг кейинги тури танланишини ҳамда юқори малака талаб қилинмайдиган касблар эгаллигини таъминлайди.

Профессионал ташхислаш ва касб-хунарга йўналтириш, шунингдек таълим олувчиларни юқори малака талаб қилинмайдиган касбларга тайёрлаш тартиби қонун ҳужжатларида белгиланади.

Умумий ўрта таълим умумий ўрта таълим ташкилотларида узлуксиз тарзда, мажбурий бўлган ўн бир йил давомида амалга оширилади.

Ўрта махсус таълим академик лицейларда тўққиз йиллик таянч ўрта таълим асосида икки йил мобайнида амалга оширилади ва таълим олувчиларнинг интеллектуал қобилиятларининг жадал ривожланишини, шунингдек чуқур, табақалаштирилган, касб-хунарга ва шахсга йўналтирилган таълим олишини таъминлайди.

Нодавлат таълим ташкилотларида умумий ўрта ва ўрта махсус таълим тўлов-шартнома асосида амалга оширилиши мумкин.

Иқтидорли ва истеъдодли болаларнинг қобилиятини ривожлантириш учун Президент, ижод ва бошқа ихтисослаштирилган мактаблар, шунингдек мактаб-интернатлар ташкил этилиши мумкин.

Жисмоний, ақлий, сенсор (сезги) ёки руҳий нуқсонлари бўлган болалар, шунингдек узоқ вақт даволанишга муҳтож бўлган болалар давлат ихтисослаштирилган таълим муассасаларида, умумий ўрта ва ўрта махсус таълим ташкилотларида инклюзив шаклда ёки уй шароитларида яқка тартибда таълим олади.

Умумий ўрта таълим ташкилотларининг синфларида (гуруҳларида) таълим олувчилар сони ўттиз беш нафардан ошмаслиги керак.

10-модда. Профессионал таълим

Профессионал таълим эгалланадиган касб ва мутахассислик бўйича қўйидаги даражаларни ўз ичига олади:

бошланғич профессионал таълим;

ўрта профессионал таълим;

ўрта махсус профессионал таълим.

Бошланғич профессионал таълим касб-хунар мактабларида IX синф битирувчилари негизида бепул асосда кундузги таълим шакли бўйича умумтаълим фанларининг ва мутахассислик фанларининг икки йиллик интеграциялашган дастурлари асосида амалга оширилади.

Ўрта профессионал таълим коллежларда давлат буюртмаси ёки тўлов-шартнома асосида касблар ҳамда мутахассисликларнинг мураккаблигидан келиб чиққан ҳолда, давомийлиги икки йилгача бўлган кундузги, кечки ва сиртки таълим шакллари бўйича умумий ўрта, ўрта махсус таълим ҳамда бошланғич профессионал таълим негизида амалга оширилади.

Ўрта махсус профессионал таълим техникумларда умумий ўрта, ўрта махсус, бошланғич профессионал ва ўрта профессионал таълим негизида давлат буюртмаси ёки тўлов-шартнома асосида касблар ҳамда мутахассисликларнинг мураккаблигидан келиб чиққан ҳолда, давомийлиги камида икки йил бўлган кундузги, кечки ва сиртқи таълим шакллари бўйича амалга оширилади.

Ушбу Қонун кучга киргунига қадар ўрта махсус, касб-хунар таълими (тўққиз йиллик умумий ўрта ва уч йиллик ўрта махсус, касб-хунар таълими) олган фуқаролар ҳам ўрта профессионал ва ўрта махсус профессионал таълим олиш ҳуқуқига эга.

Касб-хунар мактаблари, коллежлар ва техникумлар таълим олувчиларнинг ўзи танлаган касбга ва мутахассисликка эга бўлишини таъминлайди.

Фуқаролар шартнома асосида иккинчи ва ундан кейинги профессионал таълимни олиш ҳуқуқига эга.

11-модда. Олий таълим

Олий таълим бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича юқори малакали кадрлар тайёрланишини таъминлайди.

Олий маълумотли кадрларни тайёрлаш олий таълим ташкилотларида (университетлар, академиялар, институтлар, олий мактаблар) амалга оширилади. Умумий ўрта (ўн бир йиллик таълим), ўрта махсус (тўққиз йиллик таянч ўрта ва икки йиллик ўрта махсус таълим), бошланғич профессионал таълим (тўққиз йиллик таянч ўрта ва икки йиллик бошланғич профессионал таълим) олган шахслар, шунингдек ушбу Қонун кучга киргунига қадар ўрта махсус, касб-хунар таълими (тўққиз йиллик умумий ўрта ва уч йиллик ўрта махсус, касб-хунар таълими) олган шахслар олий маълумот олиш ҳуқуқига эга.

Олий таълим икки босқичга — бакалавриат ва магистратура босқичига эга.

Бакалавриат олий таълим йўналишларидан бири бўйича чуқурлаштирилган билим, малака ва кўникмалар берадиган, ўқиш давомийлиги камида уч йил бўлган таянч олий таълимдир.

Магистратура тегишли бакалавриат негизидаги аниқ мутахассислик бўйича ўқиш давомийлиги камида бир йил бўлган олий таълимдир.

Магистратура мутахассисликларининг рўйхати таълим соҳасидаги ваколатли давлат бошқаруви органи томонидан белгиланади.

Фуқаролар шартнома асосида иккинчи ва ундан кейинги олий маълумотни олиш ҳуқуқига эга.

12-модда. Олий таълимдан кейинги таълим

Олий таълимдан кейинги таълимни олий таълим ва илмий ташкилотларда олиш мумкин.

Олий таълимдан кейинги таълим докторлик диссертациясини тайёрлаш ва ҳимоя қилиш мақсадида мутахассисликни чуқур ўрганишни ва илмий

изланишлар олиб боришни назарда тутадиган таянч докторантура, докторантура ва мустақил изланувчанлик асосида илмий даражага эга илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлашни таъминлайди.

Таянч докторантура фалсафа доктори (Doctor of Philosophy (PhD) илмий даражасига даъвогар изланувчилар учун ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ташкил этиладиган олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар ихтисослиги бўйича олий таълимдан кейинги таълим шакли ҳисобланади.

Докторантура фан доктори (Doctor of Science (DSc) илмий даражасига даъвогар изланувчилар учун ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ташкил этиладиган олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар ихтисослиги бўйича олий таълимдан кейинги таълим шакли ҳисобланади.

Мустақил изланувчилик фалсафа доктори (Doctor of Philosophy (PhD) ёки фан доктори (Doctor of Science (DSc) илмий даражаларига даъвогар изланувчилар учун ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ташкил этиладиган олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар ихтисослиги бўйича олий таълимдан кейинги таълим шакли ҳисобланади.

Илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш, илмий даражалар ва илмий унвонлар бериш тартиби, шунингдек ҳарбий, тиббиёт ва бошқа таълим ташкилотларида олий таълимдан кейинги таълим олиш хусусиятлари қонун ҳужжатларида белгиланади.

Олий таълимдан кейинги таълимнинг давом этиш муддати қонун ҳужжатларида белгиланади.

13-модда. Кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш

Кадрларни қайта тайёрлаш таянч мутахассисликлар ва касбларга мувофиқ бўлган йўналишлар бўйича фаолиятни амалга ошириш учун қўшимча касбий билим, малака ва кўникмаларнинг зарур ҳажми эгаллигини таъминлайди.

Кадрлар малакасини ошириш касбий билим, малака ва кўникмаларнинг чуқурлаштирилиши ҳамда янгилаб борилишини таъминлайди, кадрларнинг тоифаси, даражаси, разряди ва лавозими ошишига хизмат қилади.

Кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш шакллари ва муддатлари тегишли давлат таълим талаблари билан белгиланади.

14-модда. Мактабдан ташқари таълим

Болаларнинг эҳтиёжларини қаноатлантириш, бўш вақти ва дам олишини ташкил этиш учун давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, шунингдек тижорат ташкилотлари маданий-эстетик, илмий, техникавий, спорт йўналишидаги мактабдан ташқари таълим ташкилотларини ташкил этиши мумкин.

Мактабдан ташқари таълим болаларга узлуксиз таълим беришнинг таркибий қисми сифатида уларнинг истеъдоди ва қобилиятини ривожлантиришга, маънавий эҳтиёжларини қаноатлантиришга қаратилган.

Мактабдан ташқари таълим ташкилотлари жумласига болалар, ўсмир-

лар ижодиёти саройлари, уйлари, клублари ва марказлари, «Баркамол авлод» болалар мактаблари, болалар-ўсмирлар спорт мактаблари, болалар мусиқа ва санъат мактаблари, студиялар, ахборот-кутубхона ҳамда соғломлаштириш муассасалари киради.

Мактабдан ташқари таълим бериш тартиби таълим соҳасидаги ваколатли давлат бошқаруви органи томонидан белгиланади.

15-модда. Таълим олиш шакллари

Таълим олиш шакллари қуйидагилардан иборат:
ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда таълим олиш (қундузги);
ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда таълим олиш (сиртки, кечки, масофавий);

дуал таълим;

оилада таълим олиш ва мустақил таълим олиш;

катта ёшдагиларни ўқитиш ва уларга таълим бериш;

инклюзив таълим;

экстернат тартибидаги таълим;

мудофаа, хавфсизлик ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти соҳасида кадрлар тайёрлаш.

16-модда. Масофавий таълим

Масофавий таълим ўқув режалари ва ўқув дастурларига мувофиқ таълим олувчилар томонидан зарур билим, малака ва кўникмаларни ахборот-коммуникация технологияларидан ҳамда Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб олишга қаратилган.

Масофавий таълимни ташкил этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

17-модда. Дуал таълим

Дуал таълим таълим олувчилар томонидан зарур билим, малака ва кўникмаларни олишга қаратилган бўлиб, уларнинг назарий қисми таълим ташкилоти негизида, амалий қисми эса таълим олувчининг иш жойида амалга оширилади.

Дуал таълимни ташкил этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

18-модда. Оилада таълим олиш ва мустақил таълим олиш

Давлат оилада таълим олишга ва мустақил таълим олишга кўмаклашади. Болаларнинг оилада таълим олиши ва мустақил таълим олиш услубий ва маслаҳат ёрдами кўрсатилган ҳолда тегишли ўқув дастурлари бўйича амалга оширилади.

Оилада таълим олиш ва мустақил таълим олиш тартиби, шунингдек таълим олувчиларнинг тоифалари таълим соҳасидаги ваколатли давлат бошқаруви органлари томонидан белгиланади.

Оилада таълим олиш болалар, оила, давлат ва жамият манфаатларини

ҳисобга олган ҳолда давлат таълим муассасаси ҳамда таълим олувчиларнинг ота-онаси ёки бошқа қонуний вакиллари ўртасидаги шартнома асосида амалга оширилади.

Мустақил таълим олиш якка тартибда амалга оширилади ҳамда таълим олувчиларни касбий, интеллектуал, маънавий ва маданий ривожлантиришга хизмат қилади.

Оилада таълим олган ва мустақил таълим олган шахсларга давлат томонидан тасдиқланган намунадаги таълим тўғрисидаги ҳужжатни бериш давлат таълим муассасаларининг тасдиқланган ўқув дастурига мувофиқ экстернат тартибида амалга оширилади.

19-модда. Катта ёшдагиларни ўқитиш ва уларга таълим бериш

Катта ёшдагиларни ўқитиш ва уларга таълим бериш бутун умр давомида ўқитишнинг марказий таркибий қисми бўлиб, таълим бериш ҳамда ўқитишнинг жамият ҳаётида ва меҳнат фаолиятида катта ёшдагиларнинг иштирок этишини таъминлашга қаратилган барча шакллари ўз ичига олади, шунингдек расмий, норасмий ва информал ўқитиш жараёнларининг бутун мажмуини қамраб олади.

Расмий таълим давлат таълим муассасалари ҳамда давлат томонидан тан олинган аккредитациядан ўтган нодавлат таълим ташкилотлари иштирокидаги институционаллаштирилган (муайян қоидалар ва нормаларни мужассамлаштирувчи), аниқ мақсадга йўналтирилган ва режалаштирилган таълимдир.

Норасмий таълим таълим хизматлари тақдим этилишини таъминловчи шахс ёки ташкилот томонидан институционаллаштирилган (муайян қоидалар ва нормаларни мужассамлаштирувчи), аниқ мақсадга йўналтирилган ва режалаштирилган бўлиб, шахсни бутун ҳаёти давомида ўқитишдаги расмий таълимга қўшимча ва (ёки) унинг муқобилидир.

Информал таълим аниқ мақсадга йўналтирилган, аммо институционаллаштирилмаган (муайян қоидалар ва нормаларни мужассамлаштирмаган), расмий ёки норасмий таълимдан кўра камроқ ташкиллаштирилган ва таркибланирилгандир ҳамда оиладаги, иш жойидаги, яшаш жойидаги ва кундалик ҳаётдаги ўқув фаолиятини ўз ичига олиши мумкин.

20-модда. Инклюзив таълим

Инклюзив таълим алоҳида таълим эҳтиёжлари ва индивидуал имкониятларнинг хилма-хиллигини ҳисобга олган ҳолда барча таълим олувчилар учун таълим ташкилотларида таълим олишга бўлган тенг имкониятларни таъминлашга қаратилган.

Жисмоний, ақлий, сенсор (сезги) ёки руҳий нуқсонлари бўлган болалар (шахслар) учун таълим ташкилотларида инклюзив таълим ташкил этилади.

Инклюзив таълимни ташкил этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

21-модда. Экстернат тартибидаги таълим

Экстернат тартибидаги таълим олиш ўқув дастурларини мустақил равишда ўзлаштиришни ўз ичига олиб, унинг яқунлари бўйича таълим олувчилардан давлат таълим муассасаларида якуний ва давлат аттестацияларидан ўтишни талаб этади.

Экстернат тартибидаги таълим олишни ташкил этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

22-модда. Мудофаа, хавфсизлик ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти соҳасида кадрларни тайёрлаш

Мудофаа, хавфсизлик ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти соҳасида кадрларни тайёрлаш уларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

3-боб. Таълим тизимини бошқариш**23-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таълим соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

таълим соҳасидаги ягона давлат сиёсатини амалга оширади;

таълим соҳасидаги давлат дастурларини тасдиқлайди ва уларнинг амалга оширилишини таъминлайди;

таълим соҳасидаги ваколатли давлат бошқаруви органларига раҳбарлик қилади;

таълим ташкилотларини аттестациядан ва давлат аккредитациясидан, педагог кадрларни ва илмий ходимларни аттестациядан ўтказиш, нодавлат таълим ташкилотларига таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берадиган лицензиялар (бундан буён матнда лицензия деб юритилади) бериш, таълим тўғрисидаги ҳужжатларга апостиль қўйиш тартибини белгилайди;

педагогик кадрларни таълим ташкилотларига ишга қабул қилиш ва улар фаолиятини баҳолаш тартибини белгилайди;

хорижий давлатларнинг таълим муассасаларига Ўзбекистон Республикаси ҳудудида таълим фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига доир рухсатномалар беради;

хорижий давлатларда олинган таълим тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш тартибини белгилайди;

давлат намунасидаги таълим тўғрисидаги ҳужжатларни тасдиқлайди ва давлат томонидан тасдиқланган намунадаги таълим тўғрисидаги ҳужжатлар бериш тартибини белгилайди;

экстернат тартибида ўқитишга йўл қўйилмайдиган таълим йўналишлари, мутахассисликлар ва касблар рўйхатини тасдиқлайди;

фақат давлат таълим муассасаларида ўқитиладиган таълим йўналишлари, мутахассисликлар ва касблар рўйхатини тасдиқлайди;

давлат таълим муассасалари ва ташкилотларига қабул қилиш тартибини белгилайди;

давлат олий таълим муассасалари ректорларини, шунингдек давлат иштирокида ташкил этиладиган олий таълим ташкилотлари (давлат улуши бўлган нодавлат олий таълим ташкилотлари, қўшма таълим муассасалари, давлат-хусусий шериклик асосида ташкил этиладиган таълим муассасалари ва бошқалар) ректорларини (раҳбарларини) лавозимга тайинлайди ҳамда эгаллаб турган лавозимидан озод этади;

таълим олувчиларни аккредитация қилинган бир таълим ташкилотидан бошқасига кўчириш, шунингдек уларни ўқишдан четлаштириш ва қайта тиклаш тартибини белгилайди;

таълим ташкилотлари рейтингини аниқлаш тартибини белгилайди;

кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тартибини белгилайди;

меҳнат бозори талабларини прогноз ва таҳлил қилиш асосида таълим ташкилотларида кадрларни тайёрлаш бўйича давлат буюртмаларини шакллантиради;

таълим ташкилотларига нисбатан моддий-техник, инфратузилмавий ва параметрик талабларни белгилайди;

дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини тайёрлаш ҳамда нашр этиш тартибини, шунингдек уларни етказиб беришга ва улардан таълим ташкилотларида фойдаланишга қўйиладиган талабларни белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

24-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясининг таълим соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси (бундан буён матнда Таълим инспекцияси деб юритилади) таълим тизимида ўқув-тарбия жараёни, профессор-ўқитувчилар таркиби, кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш сифати устидан назорат қилиш соҳасида давлат сиёсатини амалга оширадиган, таълим соҳасидаги махсус ваколатли давлат бошқаруви органидир.

Таълим инспекцияси:

таълим ташкилотларини аттестациядан ва давлат аккредитациясидан, шунингдек таълим ташкилотларининг педагог ходимларини аттестациядан ўтказди;

таълим ташкилотларида таълим-тарбия жараёнининг сифати мониторингини амалга оширади;

мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, профессионал ва мактабдан ташқари таълим ташкилотларининг педагог ходимларига лавозимлар ва малака тоифаларини бериш жараёнини назорат қилади ҳамда унда иштирок этади;

нодавлат таълим ташкилотларига лицензиялар беради;
таълим ташкилотларининг рейтингини аниқлайди;
аниқланган таълим тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилишлари юзасидан тегишли давлат бошқаруви органларига ва таълим ташкилотларига тақдимномалар киритади.

Таълим инспекцияси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

25-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни ривожлантириш агентлигининг таълим соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни ривожлантириш агентлиги:

Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларда ёшларни аниқлаш, танлаш, ўқитиш ва тарбиялаш соҳасида давлат сиёсатини ишлаб чиқади ва уни амалга оширади;

Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактаблар учун давлат таълим стандартларини тасдиқлайди;

давлат таълим стандартларига мувофиқ Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактаблар фаолиятини ягона тарзда мувофиқлаштиришни ҳамда унга услубий раҳбарлик қилишни амалга оширади;

Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлайди, мазкур мактабларда бино ва иншоотларни эксплуатация қилиш ишларини мониторинг қилади ва мувофиқлаштиради.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни ривожлантириш агентлиги қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

26-модда. Таълим соҳасидаги ваколатли давлат бошқаруви органлари

Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги таълим соҳасидаги ваколатли давлат бошқаруви органларидир.

Таълим соҳасидаги ваколатли давлат бошқаруви органлари ўз ваколатлари доирасида:

таълим соҳасидаги ягона давлат сиёсатини амалга оширади;

таълим соҳасидаги тармоқ давлат дастурларини ишлаб чиқади, тасдиқлайди ва амалга оширади;

таълим ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштиради ва уларга услубий раҳбарлик қилишни амалга оширади;

давлат таълим стандартлари (шу жумладан мактабгача таълим ва тарбия давлат стандарти) ва давлат таълим талабларида кадрларнинг маълумоти даражасига ва касбий тайёргарлиги сифатига қўйилган талабларнинг таълим ташкилотлари томонидан бажарилиши устидан назоратни амалга оширади;

давлат таълим стандартлари (шу жумладан мактабгача таълим ва тарбия давлат стандартини) ва давлат таълим талаблари ишлаб чиқилишини таъминлайди ва уларни тасдиқлайди;

таълим олувчиларнинг билим, малака ва кўникмаларини баҳолаш тартибини белгилайди;

профессional таълимнинг касблар ва мутахассисликлар, олий таълимнинг бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари, шунингдек билим соҳалари ва таълим соҳалари рўйхатини белгилайди;

таълим-тарбия жараёнига ўқитишнинг илғор шакллари, янги педагогик технологиялар, ўқитишнинг техник ва ахборот воситалари жорий этилишини таъминлайди;

таълим ташкилотларида кадрларнинг касбий тайёргарлиги сифатини оширишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқади, ўқув дастурларини такомиллаштиради;

ўқув адабиётларини тайёрлаш ва нашр қилишни ташкил этади;

ўзлаштиришни баҳолашга, ўқув жараёнини, таълим олувчиларнинг якуний давлат аттестациясини ташкил этишга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлайди, шунингдек экстернат тартибида таълим олувчиларнинг тоифаларини белгилайди;

давлат олий таълим муассасаларининг ректорларини тайинлаш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритади;

таълим ташкилотларининг раҳбар ва педагог кадрларини тайёрлашни, қайта тайёрлашни ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этади;

таълим ташкилотларида моддий-техника ресурсларидан фойдаланишга доир талабларни ишлаб чиқади;

таълим соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишда иштирок этади;

таълим соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга оширади.

Таълим соҳасидаги ваколатли давлат бошқаруви органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

27-модда. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг таълим соҳасидаги ваколатлари

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари:

таълим соҳасидаги ваколоти давлат бошқаруви органлари билан келишилган ҳолда давлат таълим муассасаларини ташкил этади, қайта ташкил этади ва тугатади, бундан республика тасарруфидаги таълим муассасалари мустасно;

ўз ваколатлари доирасида тегишли ҳудудда давлат таълим муассасалари учун молиялаштириш ҳажмини белгилайди;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан таълим ташкилотларини ривожлантириш масалалари юзасидан ҳамкорлик қилади;

давлат умумий ўрта таълим муассасаларига бириктирилган ҳудудларни (микроучасткаларни) белгилайди;

таълим соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга оширишда таълим ташкилотларига кўмаклашади;

таълим олувчилар учун сифатли таълимни, тарбияни таъминлаш, уларнинг истеъдодини шакллантириш ва намоён этиш мақсадида жойларда уларга зарур шароитлар яратиш бўйича дастурларни ишлаб чиқади;

ўз ваколатлари доирасида таълим соҳасидаги давлат-хусусий шерикликни ривожлантиради ва нодавлат таълим ташкилотлари тармоғини кенгайтиришга кўмаклашади;

умумий ўрта таълим ташкилотлари битирувчилари бандлигини таъминлашга кўмаклашади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

28-модда. Таълим ташкилотини бошқариш

Таълим ташкилотини бошқаришни тегишинча қўйидагилар амалга оширади:

педагогик кенгаш;

кузатув (васийлик) кенгаши;

олий таълим ташкилотининг кенгаши;

таълим ташкилотининг раҳбари.

Таълим ташкилотларида жамоатчилик бошқаруви органлари ташкил этилиши мумкин.

Таълим ташкилотларини бошқаришда ва кадрлар тайёрлашда кадрлар талабгорлари иштирок этади.

4-боб. Таълим фаолиятини ташкил этиш ва унинг назоратини амалга ошириш

29-модда. Таълим ташкилотларининг ҳуқуқий мақоми

Ўзбекистон Республикасининг таълим ташкилотлари ва уларнинг филиаллари, шунингдек хорижий давлатлар таълим ташкилотларининг филиаллари юридик шахс мақоми билан ташкил этилади.

Оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилоти шаклидаги таълим хизматлари яқка тартибдаги тадбиркорлар сифатида рўйхатга олинган жисмоний шахслар томонидан амалга оширилади.

Нодавлат таълим ташкилотлари лицензия олинган кундан эътиборан таълим фаолияти билан шуғулланишга ҳақли.

Таълим ташкилотлари ўз фаолиятини устав ва (ёки) бошқа таъсис ҳужжатлари асосида юритади.

Таълим ташкилотлари ўқув-тарбия ва ўқув-илмий-ишлаб чиқариш мажмуаларига бирлашишга ҳақли.

Таълим ташкилотларида сиёсий партияларнинг ташкилий тузилмаларини ташкил этишга йўл қўйилмайди.

30-модда. Таълим ташкилотларини ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш

Давлат олий таълим, ўрта махсус, профессионал таълим муассасалари ва уларнинг филиаллари, шунингдек давлат иштирокидаги олий, ўрта махсус, профессионал таълим ташкилотлари ва уларнинг филиаллари Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан ташкил этилади.

Иқтисодиётнинг ва ижтимоий соҳанинг олий маълумотли малакали кадрларга бўлган эҳтиёжларини, шунингдек аҳолининг олий таълим олишга бўлган эҳтиёжини қаноатлантириш мақсадида мамлакат ҳудудида хорижий олий таълим ташкилотларининг филиаллари (марказлари, таълим кампуслари) ва бошқа бўлинмалари ташкил этилиши мумкин.

Хорижий олий таълим ташкилотларининг бўлинмалари Ўзбекистон Республикасида юридик шахс мақоми билан ташкил этилади.

Хорижий олий таълим ташкилотларининг, шунингдек халқаро ташкилотларнинг таълим муассасалари филиаллари (марказлари, таълим кампуслари) ва бошқа бўлинмалари фаолиятини ташкил этиш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари қабул қилиниши мумкин.

Кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича давлат таълим муассасалари:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан институтлар ва марказлар шаклида;

тегишли вазирликлар, давлат қўмиталари ҳамда идоралар томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда олий таълим муассасаларининг факультетлари ва курслари шаклида ташкил этилади.

Давлат умумий ўрта ва мактабдан ташқари таълим муассасалари: республика бўйсунувида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралари томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан келишган ҳолда;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйсунувида тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги билан келишилган ҳолда;

туманлар ва шаҳарлар бўйсунувида туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги билан келишилган ҳолда ташкил этилади.

Нодавлат таълим муассасаларини ташкил этиш уларнинг таъсисчилари томонидан амалга оширилади.

Таълим ташкилотларини қайта ташкил этиш ва тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Таълим ташкилотларини ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш тўғрисидаги маълумотлар давлат статистика органларига, Таълим инспек-

циясига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг худудий органларига тақдим этилади.

31-модда. Нодавлат таълим ташкилотлари

Нодавлат таълим ташкилотлари ўз фаолиятини лицензия асосида амалга оширади.

Нодавлат таълим ташкилотлари лицензия талабларига ва шартларига мувофиқ таълим хизматлари кўрсатади.

Давлат таълим стандартлари ва давлат таълим талабларига мувофиқ таълим хизматларини кўрсатувчи нодавлат таълим ташкилотлари битирувчиларга давлат томонидан тасдиқланган намунадаги таълим тўғрисидаги ҳужжатларни беради.

Мустақил ишлаб чиқилган ва лицензияда кўрсатилган ўқув дастурлари бўйича таълим хизматлари кўрсатадиган нодавлат таълим ташкилотлари битирувчиларга Ўзбекистон Республикасида тан олинадиган таълим тўғрисидаги ҳужжатларни беради.

Нодавлат таълим ташкилотлари норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқ таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш учун зарур шарт-шароитлар яратиш ва юқори касбий маҳоратга эга бўлган педагог кадрлар ва бошқа кадрларни жалб қилиш бўйича чора-тадбирлар кўради.

Нодавлат таълим ташкилотлари томонидан ишлаб чиқилган ўқув дастурлари бўйича ўқитиш таълим оловчи ёхуд унинг ота-онаси ёки бошқа қонуний вакиллари ва нодавлат таълим ташкилоти ўртасида тузиладиган, ўқитиш муддатлари, шартлари ва тўловлари, томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда бошқа шартлар белгиланадиган шартнома асосида амалга оширилади.

32-модда. Таълим ташкилотининг устави

Таълим ташкилотининг устави таълим турларининг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилади.

Таълим ташкилотининг уставида, қоида тариқасида, қуйидагилар кўрсатилади:

таълим тури ва шакли;

таълим ташкилотининг мақсад ва вазифалари;

ўқув-тарбиявий ва илмий-методик ишларни ташкил этиш ҳамда мазмуни;

таълим ташкилотига қабул қилиш тартиби;

таълим ташкилотининг тузилмаси, бошқарув органлари ва жамоатчилик тузилмалари;

таълим оловчилар, педагог кадрлар, ўқув-тарбия ишлари бўйича ходимлар, маъмурий-бошқарув ходимларининг мақоми, ҳуқуқлари ва мажбуриятлари;

таълим ташкилотининг мол-мулки ва воситалари;

таълим ташкилотини ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш тартиби.

Таълим ташкилотининг намунавий устави:

умумий ўрта таълим ташкилотлари, ихтисослаштирилган мактаблар ва мактабдан ташқари таълим ташкилотлари учун — Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан;

Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактаблар учун — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни ривожлантириш агентлиги томонидан;

олий таълим муассасалари ҳузуридаги ихтисослаштирилган мактаблар, ўрта махсус, профессионал ва олий таълим ташкилотлари учун — Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан;

кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича таълим ташкилотлари учун — тегишли вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар томонидан ишлаб чиқилади.

Таълим ташкилотининг устави таълим ташкилотининг таъсисчилари томонидан тасдиқланади ва ҳудудий тегишлилик бўйича Давлат хизматлари маркази томонидан рўйхатга олинади.

33-модда. Таълим бериш тили

Таълим ташкилотларида ўқитиш тилидан фойдаланиш тартиби «Давлат тили ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан тартибга солинади.

34-модда. Давлат таълим стандартлари ва давлат таълим талаблари

Давлат таълим стандартлари умумий ўрта, ўрта махсус, профессионал ҳамда олий таълим мазмуни ва сифатига оид талабларни белгилайди.

Давлат таълим талаблари:

мактабдан ташқари таълим, олий таълимдан кейинги таълим, шунингдек кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш мазмунини;

таълим тузилмасини ва таълимни амалга ошириш шартларини;

таълим олувчиларнинг жисмоний, шахсий, интеллектуал, илмий ва касбга оид сифатлари тўғрисидаги нормаларни белгилайди.

Мактабгача таълим ташкилотларида мактабгача таълим ва тарбиянинг давлат стандарти қўлланилади.

Давлат таълим стандартларини ва (ёки) давлат таълим талабларини бажариш барча таълим ташкилотлари учун мажбурийдир, бундан ушбу модданинг бешинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар мустасно.

Нодавлат таълим ташкилотлари мустақил ишлаб чиқилган ва лицензияда кўрсатилган ўқув дастурлари асосида таълим фаолиятини амалга оширишлари мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги давлат таълим стандартлари, малака талаблари, олий таълим, ўрта махсус таълим ҳамда профессионал таълимнинг ўқув режалари ва ўқув дастурлари ишлаб чиқилишини таъминлайди. Ушбу мақсадлар учун Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги таянч давлат олий таълим ва профессионал таълим муассасаларини белгилайди.

Таянч давлат олий таълим ва профессионал таълим муассасалари кадрлар-

нинг талабгорлари иштирокида давлат таълим стандартларини, малака талабларини, ўқув режалари ва ўқув дастурларини тайёрлашни амалга оширади. Давлат таълим стандартлари касбий стандартлар асосида ишлаб чиқилади.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартлари ишлаб чиқилишини таъминлайди.

Олий, профессионал, ўрта махсус ва умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартлари, малака талаблари, ўқув режалари ва ўқув дастурлари тегишинча Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни ривожлантириш агентлиги томонидан тасдиқланади. Тегишли ваколатлар берилган бошқа вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар давлат таълим стандартларини Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда ишлаб чиқади ҳамда тасдиқлайди.

Давлат таълим талаблари таълим соҳасидаги тегишли ваколатли давлат бошқаруви органлари томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

Жисмоний, ақлий, сенсор (сезги) ёки руҳий нуқсонлари бўлган шахсларни ўқитиш махсус ўқув дастурлари асосида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги давлат олий таълим муассасаларига мустақил ишлаб чиқилган ва тасдиқланган ўқув дастурлари, малака талаблари ҳамда ўқув режалари асосида таълим хизматлари кўрсатиш бўйича ваколатларни бериши мумкин.

35-модда. Таълим жараёнига ўқув режалари ва ўқув дастурларини жорий этиш

Ўқув режалари ва ўқув дастурлари тегишли таълим босқичларининг мақсад ҳамда вазифалари асосида ишлаб чиқилади.

Тегишли давлат таълим муассасалари ва ташкилотларидаги ўқув режалари ва ўқув дастурларининг мазмуни, уларни ишлаб чиқиш ҳамда жорий этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни ривожлантириш агентлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан белгиланади.

Умумтаълим фанларининг ўқув дастурлари шахсни ҳар томонлама камол топтиришга, таълим олувчиларда билим, малака, кўникмаларни, савияни шакллантиришга ва уларнинг қобилиятини ривожлантиришга қаратилган бўлиши керак.

Касбга оид фанларнинг ўқув дастурлари таълим олувчилар томонидан тегишли касблар ва мутахассисликларни эгаллашга қаратилган.

Таълим жараёнига ўқув режалари ва ўқув дастурларини жорий этиш таълим ташкилотлари томонидан амалга оширилади.

Ўқув режалари ва ўқув дастурларини жорий этиш жараёнида замонавий педагогик технологиялар, ўқитишнинг инновацион шакллари ва усуллари, ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилади.

Таълим жараёнига ўқув режалари ва ўқув дастурларини жорий этиш чоғида таълим ташкилотлари кредит-модуль тизимига асосланган ўқитиш технологияларидан фойдаланиши мумкин.

Ўқув режасида, қоида тариқасида, таълим жараёнининг жадвали, ўқитишнинг бошланиши, муддати ва даврийлиги, ўқув йиллари, чораклар, семестрлар, амалиёт, таътиллер ҳамда аттестация, ажратилган ҳафталар сони, ўрганиладиган фанлар (модуллер) ва уларга ажратилган соатлар (кредитлар) ҳамда бошқа зарур параметрлар акс этирилади.

Профессионал ва олий таълим, кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малақасини оширишга доир ўқув режаларда таълим олувчилар учун амалиёт ўташ назарда тутилади.

Таълим олувчиларнинг амалиётни ўташ тартиби ва уни ташкил этиш таълим соҳасидаги ваколатли давлат бошқаруви органлари томонидан белгиланади.

Профессионал ва олий таълимга доир ўқув режалари давлат таълим стандартларига мувофиқ мутахассислик фанларидан, шунингдек умумқасбий, математика, табиий-илмий, гуманитар ва қўшимча фанлардан шакллантирилади.

Ўқув режаларига давлат бошқаруви органларининг топшириқларига асосан ва ушбу Қонунда назарда тутилмаган бошқа йўл билан қўшимча фанларни киритишга йўл қўйилмайди.

36-модда. Таълим соҳасидаги экспериментал ва инновацион фаолият

Таълим соҳасидаги экспериментал ва инновацион фаолият таълимни модернизация қилиш мақсадида амалга оширилади ҳамда янги таълим технологиялари ва ресурсларини ишлаб чиқишга, уларни синовдан ўтказишга ҳамда таълим жараёнига жорий этишга қаратилган. Экспериментал ва инновацион фаолиятни амалга ошириш тартиби ва шартлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Таълим соҳасидаги ваколатли давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари инновацион ўқув дастурлари ва лойиҳаларини амалга ошириш ҳамда уларнинг натижаларини амалиётга жорий этиш учун ўз ваколатлари доирасида шарт-шароитлар яратади.

Иқтисодий ривожланиш ва инновацион фаолият эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда, давлат томонидан олий таълим ташкилотлари олимларининг илмий-тадқиқот ишлари натижаларини ишлаб чиқариш жараёнига жорий этиш учун тегишли шарт-шароитлар, шунингдек олий таълим ташкилотлари таълим жараёнининг янада такомиллаштирилган шаклларига босқичма-босқич ўтиши учун имкониятлар яратилади.

Таълим ташкилотлари экспериментал ва инновацион фаолиятда масофавий таълим технологияларидан фойдаланиши мумкин.

37-модда. Таълим ташкилотлари фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлиги

Таълим ташкилотлари фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлиги улар-

нинг расмий веб-сайтларида Интернет жаҳон тармоғида жойлаштириладиган таълим ташкилотлари фаолияти тўғрисидаги очик ахборот ресурслари билан таъминланади.

Таълим ташкилотлари расмий веб-сайтларида қуйидагиларни жойлаштиради:

таълим ташкилотининг устави;

таълим бериш тиллари ҳақида маълумот;

давлат таълим стандартлари, давлат таълим талаблари;

таълим фаолиятининг моддий-техника таъминоти ҳақида маълумот; лицензия (нодавлат таълим ташкилотлари учун);

таълим ташкилотининг рейтингини;

таълим фаолиятини амалга ошириш учун давлат аккредитацияси тўғрисидаги сертификат;

илмий тадқиқотлар йўналишлари ва натижалари, шунингдек уларни амалга ошириш учун илмий-тадқиқот базаси тўғрисидаги маълумот (олий таълим учун);

таълим олувчиларга стипендиялар бериш тартиби, уларга ижтимоий ёрдам кўрсатишнинг мавжудлиги ва шартлари тўғрисидаги маълумот;

вақтинча яшаш жойларининг мавжудлиги ва яшаш жойларининг сони, шунингдек тўлов миқдори тўғрисидаги маълумот;

педагоглар ва таълим олувчиларнинг сони, шунингдек педагогларнинг илмий салоҳияти тўғрисидаги маълумот.

Таълим ташкилотларининг расмий веб-сайтларига жойлаштириладиган ахборотнинг ишончлигини таъминлаш учун таълим ташкилотларининг раҳбарлари шахсан жавобгардир.

Айрим таълим ташкилотларининг фаолияти тўғрисидаги ахборотдан фойдаланиш қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда ва тартибда чекланиши мумкин.

38-модда. Таълим ташкилотларига ўқишга қабул қилиш

Таълим ташкилотларига ўқишга қабул қилиш барча талабгорлар учун таълим олишга доир тенг имкониятларнинг таъминланиши принципи асосида амалга оширилади, шахсларнинг айрим тоифалари бундан мустасно, уларга қонун ҳужжатларига мувофиқ имтиёзлар берилиши мумкин.

Таълим ташкилотлари талабгорларни ва (ёки) уларнинг ота-онасини ёки бошқа қонуний вакиллари устав, лицензия (нодавлат таълим ташкилотлари учун), давлат аккредитацияси тўғрисидаги сертификат, ўқув дастури ҳамда таълим фаолиятини тартибга солувчи бошқа ҳужжатлар, таълим олувчиларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари билан таништириши шарт.

Жисмоний, ақлий, сенсор (сезги) ёки рухий нуқсонлари бўлган болалар ўқишга ўз ота-онасининг ёки бошқа қонуний вакилларининг розилигига ва тиббий-психологик-педагогик комиссиянинг хулосасига биноан қабул қилинади.

Айрим таълим ташкилотларига (олий таълим муассасаларига, академик лицейларга, Президент, ижод, ихтисослаштирилган мактаблар ва бошқалар-

га) ўқишга қабул қилиш танлов асосида амалга оширилади. Таълим ташкилотларига танлов асосида ўқишга қабул қилиш чоғида танлов иштирокчиларига танловни ўтказиш тартиби тўғрисидаги ахборот тақдим этилади.

Давлат олий таълим ва профессионал таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш давлат гранти ва (ёки) тўлов-шартнома асосида амалга оширилади.

Давлат таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Нодавлат таълим ташкилотларига ўқишга қабул қилиш тартиби ушбу таълим ташкилотлари томонидан белгиланади.

Чет эллик фуқароларни Ўзбекистон Республикасининг давлат таълим муассасаларига қабул қилиш тўлов-шартнома асосида (бундан давлат гранти ажратилган ҳоллар мустасно) амалга оширилади.

Олий таълим муассасаларига давлат гранти асосида ўқишга қабул қилиш параметрлари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгиланади.

Олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш чоғида имтиёзли контингент учун қўшимча қабул параметрлари белгиланади.

39-модда. Давлат таълим муассасаларига ўқишга мақсадли қабул қилиш

Давлат таълим муассасаларига ўқишга мақсадли қабул қилиш тегишли ҳудудларнинг, соҳалар ва тармоқларнинг кадрларга бўлган эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда улар учун белгиланган таълим олувчиларни қабул қилиш параметрлари доирасида амалга оширилади.

Давлат таълим муассасаларига ўқишга мақсадли қабул қилиш кадрлар буюртмачилари, давлат таълим муассасалари ва фуқаролар ўртасида тузиладиган шартномалар асосида амалга оширилади.

Давлат таълим муассасаларига мақсадли қабул қилиш тартибида ўқишга кириш умумий асосларда танлов натижаларига мувофиқ амалга оширилади.

40-модда. Таълим тўғрисидаги ҳужжат

Аккредитация қилинган таълим ташкилотларининг давлат таълим стандартларига ва давлат таълим талабларига мувофиқ таълим олган битирувчиларига давлат томонидан тасдиқланган намунадаги таълим тўғрисидаги ҳужжат (шаҳодатнома, диплом, сертификат, гувоҳнома) берилади. Давлат томонидан тасдиқланган намунадаги таълим тўғрисидаги ҳужжат оилада таълим олган ёки мустақил таълим олган ҳамда аккредитация қилинган давлат таълим муассасаларининг тегишли ўқув дастурлари бўйича экстернат тартибида якуний ва давлат аттестациясидан ўтган шахсларга ҳам берилади.

Ўрта махсус таълим, профессионал таълим ҳамда олий таълим тўғрисидаги дипломга ўзлаштирилган фанлар рўйхати, уларнинг ҳажмлари ва фанлар бўйича баҳолари ёзилган варақа илова қилинади.

Тегишли илмий даражани олиш учун диссертация химоя қилган шахс-

ларга фалсафа доктори (Doctor of Philosophy (PhD)) ёки фан доктори (Doctor of Science (DSc)) илмий даражаси бериледи ва давлат томонидан тасдиқланган намунадаги диплом топширилади.

Ўзбекистон Республикасининг ва хорижий давлатларнинг ҳукуматлари ўртасидаги икки томонлама битимлар асосида таълим тўғрисидаги ҳужжатларни ўзаро тан олиш амалга оширилиши мумкин.

Узлуксиз таълимнинг тегишли турини тамомламаган шахсларга белгиланган намунадаги маълумотнома бериледи.

Давлат томонидан тасдиқланган намунадаги таълим тўғрисидаги ҳужжат, шунингдек нодавлат таълим ташкилотлари томонидан бериладиган Ўзбекистон Республикасида тан олинган таълим тўғрисидаги ҳужжат узлуксиз таълимнинг кейинги тури (даражаси) бўйича ўқишни давом эттириш ёки тегишли мутахассислик ва касб бўйича ишлаш ҳуқуқини беради.

Хорижий давлатларнинг ва Ўзбекистон Республикасининг олий таълим ташкилотлари ўртасида тузилган шартнома асосида уларнинг битирувчиларига Ўзбекистон Республикаси ҳудудида олий маълумот тўғрисидаги ҳужжат сифатида тан олинган икки томонлама диплом (Double Diploma) берилиши мумкин.

41-модда. Таълим ташкилотларининг рейтинг

Таълим ташкилотларининг рейтинг:

таълим ташкилотлари ўртасида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш;

илмий-педагогик фаолият даражасининг ўсишини ва сифатининг ошишини рағбатлантириш;

педагог ходимларнинг илмий салоҳиятидан самарали фойдаланиш;

ўқитиш сифатининг юқори кўрсаткичларига эришиш;

меҳнат бозорида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш мақсадларида белгиланади.

Рейтингни белгилаш учун таълим ташкилоти томонидан тақдим этилган маълумотларнинг ишончилиги учун таълим ташкилотининг раҳбари шахсан жавобгар бўлади.

42-модда. Таълим тизимидаги мониторинг

Таълим тизимидаги мониторинг таълимнинг ҳолатини, таълим натижаларининг ўзгариши суръатларини, таълим фаолиятини амалга ошириш учун яратилган шарт-шароитларни ўрганиш ва кузатишни, шунингдек таълим олувчиларнинг контингенти тўғрисидаги маълумотларни ва бошқарув қарорлари қабул қилинишини таҳлил этишни ўз ичига олади.

Таълим ташкилотларининг мониторинги Таълим инспекцияси, таълим соҳасидаги ваколатли давлат бошқаруви органлари ва уларнинг ҳудудий бўлинмалари томонидан амалга оширилади.

Таълим ҳолатининг таҳлили ва уни ривожлантириш истиқболлари тўғрисидаги ахборот Таълим инспекциясининг, таълим соҳасидаги ваколатли давлат бошқаруви органларининг ва улар ҳудудий бўлинмаларининг,

шунингдек таълим ташкилотларининг расмий веб-сайтларига жойлаштирилади.

Таълим тизимидаги маълумотлар жумласига расмий статистика маълумотлари, таълим тизими мониторинги натижалари, таълим соҳасидаги ваколатли давлат бошқаруви органларининг ва улар ҳудудий бўлинмаларининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳамда таълим ташкилотларининг маълумотлари киради.

43-модда. Таълим соҳасидаги давлат назорати

Таълим соҳасидаги давлат назорати берилаётган таълимнинг мазмуни ва сифати давлат таълим стандартларига, давлат таълим талаблари ва ўқув дастурларига, шунингдек ушбу Қонун талабларига мувофиқлигини аниқлаш йўли билан амалга оширилади.

Таълим ташкилотлари таълим сифати устидан назоратни амалга оширишда Таълим инспекциясига, таълим соҳасидаги ваколатли давлат бошқаруви органларига кўмаклашади.

Таълим ташкилотлари томонидан берилаётган таълимнинг мазмуни ва сифати таълим тўғрисидаги қонун ҳужжатларига номувофиқлиги аниқланган ҳолларда Таълим инспекцияси номувофиқликни бартараф этиш юзасидан уларга тақдимнома киритади. Аниқланган номувофиқлик бартараф этилмаган тақдирда Таълим инспекцияси таълим ташкилотининг давлат аккредитацияси тўғрисидаги сертификатини қонун ҳужжатларига мувофиқ бекор қилишга ҳақли.

Таълим сифати устидан назорат қилиш ваколатларига эга бўлмаган органлар томонидан таълим ташкилотларининг таълим сифатини, таълим жараёни ташкил этилишини, педагог ходимларининг меҳнат фаолиятини, таълим олувчиларининг ўзлаштиришини текширишга йўл қўйилмайди.

Таълим инспекцияси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакилни хабардор қилган ҳолда нодавлат таълим ташкилотларида таълим сифати устидан назорат ва мониторингни амалга оширади.

5-боб. Таълим ташкилотлари педагог ходимларининг ҳуқуқий мақоми

44-модда. Педагогик фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқи

Тегишли маълумоти, касбий тайёргарлиги бўлган ва маънавий-ахлоқий фазилатларга эга шахслар педагогик фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эга. Магистратурани тамомлаган шахслар ва дипломли мутахассислар ўз мутахассислиги бўйича педагогик фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эга.

Агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, педагогик олий маълумотга эга бўлмаган шахсларга қайта тайёрлаш курсларидан ўтганидан кейин таълим ташкилотларида (бундан олий таълим ташкилотлари мустасно) педагогик фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқи берилади.

Ишлаб чиқариш таълими усталари қайта тайёрлаш курсларидан ўтмасдан профессионал таълим ташкилотларида педагогик фаолият билан шуғулланишга ҳақли.

Зарурат бўлганда профессионал таълим ташкилотлари ишлаб чиқариш таълими усталарини, шунингдек тегишли билим ҳамда амалий кўникмаларга эга бўлган, олий маълумоти бўлмаган бошқа мутахассисларни амалий ва кўшимча машғулотларни олиб бориш учун жалб этиши мумкин.

45-модда. Педагог ходимларнинг мақоми ва улар фаолиятининг кафолатлари

Педагог ходимларнинг мақоми жамият ва давлат томонидан тан олинади. Педагог ходимлар ижтимоий қўллаб-қувватланади, ўз касбий фаолиятини амалга ошириши, уларнинг ижтимоий мақоми ва обрўсини ошириш учун ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратилади, шунингдек ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини амалга ошириш учун кафолатлар берилади.

Таълим ташкилотлари педагог ходимларининг ҳуқуқлари, шаъни, қадр-қиммати ва ишчанлик обрўси давлат ҳимояси остида бўлади.

Таълим ташкилотлари педагог ходимларининг касбий фаолиятига ара-лашишга, таълим олувчиларнинг билимларини тўғри ва холис баҳолашга таъсир кўрсатишга, шунингдек ушбу педагог ходимларнинг хизмат мажбуриятларини бажаришига тўсқинлик қилишга йўл қўйилмайди.

Педагог ходимлар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ўз шаъни, қадр-қиммати ва ишчанлик обрўсини ҳимоя қилиш;

ўқув дастурлари доирасида муаллифлик дастурларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш, ўқитиш услубиётини ишлаб чиқиш, шунингдек тегишли ўқув фанлари, курслари, модулларидан фойдаланиш, ижодий фаоллик кўрсатиш;

замонавий педагогик шаклларни, ўқитиш ва тарбия воситаларини, усулларини эркин танлаш ҳамда улардан фойдаланиш;

касбий фаолиятини амалга ошириш учун уларга зарур шарт-шароитлар яратилишини талаб қилиш;

ўқув, илмий ва услубий йўналишлардаги ахборот-ресурс марказларининг хизматларидан бепул фойдаланиш;

давлат таълим стандартларини, давлат таълим талабларини, малака талабларини, ўқув режалари ва ўқув дастурларини ишлаб чиқишда иштирок этиш;

илмий, илмий-тадқиқот ва ижодий фаолиятни амалга ошириш, экспериментал фаолиятда иштирок этиш, инновацияларни ишлаб чиқиш ва жорий қилиш;

таълим ташкилотини бошқаришда, шунингдек таълим ташкилотининг фаолияти билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилишда иштирок этиш;

касаба уюшмалари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари аъзоси бўлиш, ходимларининг вакиллари бўлиш, фуқаролик жамияти бошқа институтлари фаолиятида қатнашиш;

ўз касбий ҳуқуқларини ва умумий манфаатларни ифода этиш ҳамда ҳимоя қилиш учун педагог ходимларнинг жамоат бирлашмаларига бирлашиш;

ўз касбий фаолиятига аралашувдан ҳимояланиш;
давлат соғлиқни сақлаш муассасаларида бепул тиббий кўриқдан ўтиш (давлат таълим муассасалари ва ташкилотлари учун);
таълим олувчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда иштирок этиш.

Педагог ходимлар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Педагог ходимларни уларнинг лавозим мажбуриятлари билан боғлиқ бўлмаган ҳар қандай бошқа ишга жалб қилиш тақиқланади.

46-модда. Педагог ходимларнинг мажбуриятлари

Педагог ходимлар:

таълим-тарбия жараёни иштирокчиларининг шаъни, қадр-қиммати ва ишчанлик обрўсини ҳурмат қилиши;

ўқув машғулотларини сифатли ўтказиши;

ахборот-коммуникация технологияларидан, ўқитиш ва тарбиянинг илғор ҳамда инновацион шакллари ва усулларидан фойдаланиши;

таълим олувчиларнинг психологик ва ўзига хос хусусиятларини, жисмоний ва руҳий саломатлигини, физиологик ривожланишини ҳисобга олиши, жисмоний, ақлий, сенсор (сезги) ёки руҳий нуқсонлари бўлган шахсларни ўқитиш учун шарт-шароитлар яратилишига эътибор қаратиши;

вояга етмаган таълим олувчилар билан таълим-тарбия ишларини уларнинг ота-онаси ёки бошқа қонуний вакиллари билан ҳамкорликда олиб бориши;

таълим ташкилотининг уставига ва (ёки) бошқа таъсис ҳужжатларига, ички меҳнат тартиби қоидаларига риоя этиши;

ўз малакасини мунтазам равишда ошириб бориши, эгаллаб турган лавозимига мувофиқлик жиҳатидан даврий аттестациядан ўтиши;

тиббий кўриқдан ўз вақтида ўтиши шарт.

Педагог ходимларнинг зиммасида қонун ҳужжатларига, шунингдек таълим олувчи ва таълим ташкилоти ўртасида тузиладиган шартномага мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

Педагог ходимларга педагогик фаолиятни амалга оширишда ахлоқ ва этика нормаларига зид ҳаракатлар содир этиш тақиқланади.

Педагог ходимларнинг кийим-бошига доир талаблар таълим ташкилотлари томонидан белгиланади.

6-боб. Таълим олувчиларнинг, улар ота-онасининг ҳамда бошқа қонуний вакилларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

47-модда. Таълим олувчиларнинг ҳуқуқлари

Таълим олувчилар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

бепул асосда умумий ўрта, ўрта махсус таълим ва бошланғич профессионал таълим олиш;

яшаш жойидаги (микроҳудуддаги) давлат умумий ўрта таълим муассасасига қабул қилиниш;

таълим олиш шакллари эркин танлаш;

давлат таълим стандартлари, давлат таълим талаблари ва ўқув дастурларига мувофиқ сифатли таълим олиш;

таълим олиш учун ўзининг руҳий хусусиятлари ва физиологик ривожланиши инobatга олинган ҳолда зарур шарт-шароитларга эга бўлиш, шунингдек бепул психологик-тиббий хизматлардан фойдаланиш;

давлат таълим муассасаси томонидан белгиланган тартибга мувофиқ, профессионал таълим ва олий таълимнинг давлат таълим стандартлари талабларига биноан ишлаб чиқилган, ўзи оладиган таълимнинг мазмунини шакллантиришда иштирок этиш;

педагог ходимлар ва таълим-тарбия жараёнининг бошқа иштирокчилари томонидан ҳаёти ва соғлиғига қилинадиган ҳар қандай жисмоний ҳамда руҳий зўравонликдан, шахси ҳақоратланишидан ҳимояланиш;

таълим олиш даврида дам олиш ва бошқа ижтимоий эҳтиёжлар учун таътиллер олиш;

академик таътиллер ва стипендиялар олиш, ўқишни тиклаш ва ўқишни бошқа таълим ташкилотларига, бир таълим шаклидан, касбдан, таълим йўналишидан, мутахассислигидан бошқасига кўчириш;

таълим ташкилотини бошқаришга доир масалаларни муҳокама қилишда иштирок этиш;

таълим олиш жараёнида таълим ташкилотининг ўқув, услубий, илмий-ишлаб чиқариш, маданий, спорт ва маиший объектлари хизматларидан бепул фойдаланиш;

таълим ташкилотининг илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик, илмий-техникавий, экспериментал ва инновацион фаолиятида иштирок этиш.

Таълим олувчилар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Таълим ташкилотларида таълим олувчиларни таълим олиш билан боғлиқ бўлмаган ишларга жалб этиш тақиқланади.

48-модда. Таълим олувчиларнинг мажбуриятлари

Таълим олувчилар:

ўқув дастурлари асосида билим, малака ва кўникмаларни ўзлаштириши, машғулотларга қатнашиши, уларга мустақил тайёргарлик кўриши, педагог ходимларнинг топшириқларини бажариши;

таълим-тарбия жараёнининг бошқа иштирокчиларига нисбатан жисмоний ва (ёки) руҳий зўравонлик ишлатмаслиги ва уларнинг ўз мажбуриятларини бажаришига тўсқинлик қилмаслиги;

устав (таъсис ҳужжати) талабларига, ички тартиб-қоидаларига, вақтинча яшаш жойлари қоидаларига ва таълим фаолиятини ташкил этиш ҳамда амалга оширишга оид бошқа ички ҳужжатлар талабларига риоя этиши;

ахлоқий, маънавий ва жисмоний камол топишга ҳамда ўз дунёқарашини кенгайтиришга интилиши;

таълим-тарбия жараёни иштирокчиларининг шаъни, қадр-қиммати ва ишчанлик обрўсини ҳурмат қилиши;

таълим ташкилотининг мол-мулкани, моддий ва маданий бойликларини асраши шарт.

Таълим олувчиларнинг зиммасида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

49-модда. Таълим олувчиларнинг кийим-бошига нисбатан қўйиладиган талаблар

Таълим ташкилотларида таълим олувчиларнинг кийим-бошига доир талаблар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Таълим олувчиларнинг айрим тоифалари Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан кийим-бош билан таъминланади.

50-модда. Таълим ташкилотларида таълим олувчиларни вақтинча яшаш жойлари билан таъминлаш

Кундузги таълим шаклидаги таълим ташкилотида таълим олувчиларга, шунингдек сиртқи таълим шаклида якуний ва оралиқ аттестация даврида вақтинча яшаш жойлари, улар мавжуд бўлган тақдирда берилади.

Вақтинча яшаш жойлари таълим олувчиларга таълим ташкилоти томонидан белгиланган тартибга мувофиқ берилади.

Вақтинча яшаш жойларига муҳтожлар мавжуд бўлган ҳолларда, ушбу жойлардан бошқа мақсадларда фойдаланишга йўл қўйилмайди.

Вақтинча яшаш жойларидан фойдаланиш учун таълим ташкилоти билан тузилган шартномага мувофиқ ҳақ тўланади.

Вақтинча яшаш жойидан фойдаланганлик учун тўлов миқдори таълим ташкилоти томонидан белгиланади.

Давлат таълим муассасалари айрим турдаги таълим олувчилар учун вақтинча яшаш жойидан фойдаланганлик учун тўлов қийматини камайтиришга ёки уларни тўловдан тўлиқ озод қилишга ҳақли. Етим болалар ва ота-она қарамовидан маҳрум бўлган болалар, шунингдек ўқитиш даврида етим бўлиб қолган болалар, жисмоний, ақлий, сенсор (сезги) ёки рухий нуқсонлари бўлган болалар (шахслар) вақтинча яшаш жойидан фойдаланганлик учун ҳақ тўлашдан озод қилинади.

51-модда. Вояга етмаган таълим олувчилар ота-онасининг ҳамда бошқа қонуний вакилларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Вояга етмаган таълим олувчиларнинг ота-онаси ва бошқа қонуний вакиллари боланинг ўқиши, тарбияланиши, жисмоний, маънавий ва интеллектуал ривожланиши учун масъулдир.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва таълим ташкилотлари вояга етмаган таълим олувчиларни тарбиялашда, уларнинг жисмоний ҳамда рухий соғлигини муҳофаза қилиш ва мустаҳкамлашда, шунингдек индивидуал қобилятларини ривожлантиришда уларнинг ота-онасига ҳамда бошқа қонуний вакилларига қўмаклашади.

Вояга етмаган таълим олувчиларнинг ота-онаси ва бошқа қонуний вакиллари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

жисмоний, ақлий, сенсор (сезги) ёки руҳий нуқсонлари бўлган болаларга, шунингдек узоқ вақт даволанишга муҳтож бўлган болаларга оилада таълим олиш имкониятини бериш;

оилада таълим олаётган боланинг фикрини инобатга олган ҳолда унинг ўқишини таълимнинг ҳар қандай босқичида таълим ташкилотида давом эттириш тўғрисида қарор қабул қилиш;

таълим ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиш, таълим-тарбия жараёнини такомиллаштириш, моддий-техника базасини ривожлантириш, таълим ташкилотларига хайрия ёрдами кўрсатиш бўйича таклифлар киритиш;

таълим ташкилотининг устави ва (ёки) бошқа таъсис ҳужжати, лицензияси, давлат аккредитацияси тўғрисидаги сертификати, давлат таълим стандартлари, давлат таълим талаблари, малака талаблари, ўқув режалари ва ўқув дастурлари билан танишиш;

таълимнинг мазмуни, қўлланилаётган таълим ва тарбия усуллари, таълим технологиялари билан, шунингдек ўз болаларининг ўқув фанларини ўзлаштириши натижалари билан танишиш;

таълим олувчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш;

таълим ташкилотини бошқаришга доир масалаларни муҳокама қилишда иштирок этиш.

Вояга етмаган таълим олувчиларнинг ота-онаси ва бошқа қонуний вакиллари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Вояга етмаган таълим олувчиларнинг ота-онаси ва бошқа қонуний вакиллари:

ўз болаларини инсонпарварлик, ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, маънавий, миллий ва умуминсоний қадриятларни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаши;

болаларининг умумий ўрта, ўрта махсус таълим ёки бошланғич профессионал таълим олишини таъминлаши;

болаларининг ўқув машғулотларига қатнашишини таъминлаш ва ўзлаштириши устидан назоратни амалга ошириш;

ўз болаларининг интеллектуал, маънавий ва жисмоний ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиши;

таълим ташкилотининг таълим-тарбия жараёнини тартибга солувчи ички тартиб-қоидаларига риоя этиши;

жисмоний ва юридик шахслар билан муносабатларда, шу жумладан судда махсус ваколатларсиз ўз болаларининг таълим соҳасидаги ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиши;

таълим-тарбия жараёни иштирокчиларининг шаъни ва кадр-қимматини ҳурмат қилиши шарт.

Вояга етмаган таълим олувчиларнинг ота-онаси ва бошқа қонуний вакиллари зиммасида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

**7-боб. Таълим-тарбия жараёни иштирокчиларини
ижтимоий ҳимоя қилиш**

52-модда. Таълим олувчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш

Таълим ташкилотларида таълим олувчилар қонун ҳужжатларига мувофиқ имтиёзлар, стипендиялар ва вақтинча яшаш жойлари билан таъминланади.

Тўлов-шартнома асосида таълим олувчиларга имтиёзли банк кредитлари берилиши мумкин.

Нодавлат таълим ташкилотлари таълим олувчиларни ижтимоий ҳимоя қилишни қонун ҳужжатларига, ўз уставига ва (ёки) бошқа таъсис ҳужжатига мувофиқ амалга оширади.

Давлат ижтимоий ҳимоя қилишни таъминлаш мақсадида кам таъминланган оилалардаги болалар, жисмоний, ақлий, сенсор (сезги) ёки руҳий нуқсонлари бўлган болалар (шахслар) учун, шунингдек мазкур тоифадаги таълим олувчиларнинг касбий ўсиши учун шарт-шароитлар яратади.

**53-модда. Таълим ташкилотларининг ходимларини ижтимоий
ҳимоя қилиш**

Таълим ташкилотларининг ходимларини ижтимоий ҳимоя қилиш давлат томонидан кафолатланади.

Таълим ташкилотларининг педагог ходимларига қисқартирилган иш вақти давомийлиги белгиланади, ҳақ тўланадиган ҳар йилги узайтирилган таътил ва бошқа имтиёзлар ва кафолатлар тақдим этилади.

Таълим ташкилотларининг педагог ва бошқа ходимларига санитария-гигиенага оид, эпидемияга қарши ҳамда профилактика чоралари билан амалга ошириладиган соғлиқни сақлаш кафолатланади.

Таълим ташкилотлари меҳнатга ҳақ тўлаш учун мавжуд бўлган маблағлар доирасида мустақил равишда иш ҳақиға, лавозим маошларига табақалаштирилган устамалар белгилашга ва меҳнатга ҳақ тўлаш ҳамда уни рағбатлантиришнинг турли шаклларини қўллашга ҳақли.

**54-модда. Етим болаларни ва ота-онасининг ёки бошқа қонуний
вакилларининг қарамоғидан маҳрум бўлган
болаларни ўқитиш ва уларнинг тўлиқ таъминоти**

Етим болаларни ва ота-онасининг ёки бошқа қонуний вакилларининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ўқитиш ва уларнинг тўлиқ таъминоти Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

**55-модда. Жисмоний, ақлий, сенсор (сезги) ёки руҳий нуқсонлари
бўлган болаларни (шахсларни) ўқитиш
ҳамда тарбиялаш**

Давлат жисмоний, ақлий, сенсор (сезги) ёки руҳий нуқсонлари бўлган болаларнинг (шахсларнинг) давлат ихтисослаштирилган таълим муассаса-

ларида, умумий ўрта, ўрта махсус, профессионал таълим муассасаларида инклюзив шаклда бепул умумий ўрта, ўрта махсус, профессионал ва мактабдан ташқари таълим олишини таъминлайди.

Жисмоний, аклий, сенсор (сезги) ёки руҳий нуқсонлари бўлган, шунингдек узоқ вақт даволанишга муҳтож бўлган болаларни ўқитиш ҳамда тарбиялаш учун давлат ихтисослаштирилган таълим муассасалари ташкил этилади. Таълим оловчиларни ушбу таълим муассасаларига юбориш ва улардан четлатиш ота-онасининг ёки бошқа қонуний вакилларининг розилиги билан тиббий-психологик-педагогик комиссиянинг хулосасига биноан амалга оширилади.

Давлат ихтисослаштирилган таълим муассасаларида таълим оловчилар давлат таъминотида бўлади.

56-модда. Ижтимоий реабилитацияга муҳтож бўлган болаларни (шахсларни) ўқитиш ва тарбиялаш

Алоҳида шароитларда ўқитиш ва тарбияланишга муҳтож бўлган болалар (шахслар) учун уларнинг таълим олишини, касбий тайёргарлигини ва ижтимоий реабилитация қилинишини таъминлайдиган ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасалари ташкил этилади.

Озодликдан маҳрум қилиш тарзида жазони ижро этиш муассасаларида сақланаётган болаларнинг (шахсларнинг) таълим олиши, тарбияланиши ва мустақил таълим олиши учун шароитлар яратилади.

8-боб. Нодавлат таълим ташкилотлари фаолиятини лицензиялаш, таълим ташкилотларини аттестациядан ва давлат аккредитациясидан ўтказиш. Хорижий давлатда олинган таълим тўғрисидаги ҳужжатни тан олиш, таълим соҳасидаги ҳужжатларга апостиль қўйиш

57-модда. Нодавлат таълим ташкилотларининг фаолиятини лицензиялаш

Нодавлат таълим ташкилотларининг фаолиятини лицензиялаш «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан тартибга солинади.

Нодавлат таълим ташкилотларига лицензия бериш, лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш ёки тугатиш, шунингдек уни бекор қилиш ва қайта расмийлаштириш Таълим инспекцияси томонидан амалга оширилади.

Лицензиялар номуайян муддатга, таълимнинг ҳар бир тури учун алоҳида берилади.

58-модда. Таълим ташкилотларини аттестациядан ва давлат аккредитациясидан ўтказиш

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият кўрсатаётган мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, профессионал ва олий таълим ташкилотлари, шунингдек мактабдан ташқари таълимни, олий таълимдан кейинги таълим-

ни, кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни амалга оширувчи таълим ташкилотлари давлат таълим стандартларига, давлат таълим талабларига ҳамда ўқув дастурларига мувофиқлик жиҳатидан аттестациядан ва давлат аккредитациясидан ўтказилади.

Таълим ташкилотларини аттестациядан ва давлат аккредитациясидан ўтказиш беш йил муддатга амалга оширилади.

Таълим ташкилотларини аттестациядан ва давлат аккредитациясидан ўтказиш таълим ташкилотларининг аризасига кўра Таълим инспекцияси томонидан амалга оширилади. Ариза аккредитация муддати тугашидан уч ой олдин берилади.

Аттестация икки босқичда — таълим ташкилотлари фаолиятини ички баҳолаш ва ташқи баҳолаш босқичларида амалга оширилади.

Ички баҳолаш таълим ташкилотининг ўзини ўзи баҳолашидир.

Ташқи баҳолаш ички баҳолаш ўтказилганидан кейин Таълим инспекцияси томонидан амалга ошириладиган баҳолашдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари асосида ташкил этилган, шунингдек вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ташкил этилган таълим ташкилотлари ташкил этилган кундан эътиборан беш йил мобайнида аккредитация қилинган ҳисобланади.

Нодавлат таълим ташкилотлари лицензия олинган кундан эътиборан беш йил давомида аккредитациядан ўтган деб ҳисобланади, бу муддат тугагач, ушбу Қонунда белгиланган тартибда аттестация ва аккредитациядан ўтказилади.

Таълим ташкилотларини давлат аккредитациясидан ўтказиш мақсадида Таълим инспекцияси ҳузурида доимий фаолият кўрсатувчи давлат аккредитация комиссияси тузилади.

Давлат аккредитацияси таълим ташкилотининг аттестацияси асосида амалга оширилади. Доимий фаолият кўрсатувчи давлат аккредитация комиссияси таълим ташкилотининг мақомини ва унинг фаолияти давлат таълим стандартларига, давлат таълим талабларига ва ўқув дастурларига мувофиқлигини аниқлайди.

Таълим ташкилотининг давлат аккредитацияси тўғрисида ижобий қарор қабул қилинган тақдирда, унга давлат аккредитациясининг амал қилиш муддати кўрсатилган ҳолда белгиланган намунадаги сертификат берилади.

Таълим ташкилоти қайта ташкил этилган ёки тугатилган ҳолларда давлат аккредитацияси тўғрисидаги сертификатнинг амал қилиши Таълим инспекциясининг қарори билан тугатилади.

Таълим тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талаблари ёки сертификатда кўрсатилган шартлар бузилганлиги аниқланган ва аниқланган қоидабузарликлар таълим ташкилоти томонидан бартараф этилмаган ҳолларда Таълим инспекцияси томонидан давлат аккредитацияси тўғрисидаги сертификатнинг амал қилишини бекор қилиш ҳақида қарор қабул қилинади.

Давлат аккредитациясидан ўтган таълим ташкилотлари Таълим ташки-

лотларининг реестрига киритилади ва бу ҳақдаги маълумотлар Таълим инспекциясининг расмий веб-сайтига жойлаштирилади.

59-модда. Таълим ташкилотларининг фаолиятини ички ва ташқи баҳолашдан ўтказиш

Таълим ташкилотларининг фаолияти ташқи баҳолашдан ўтказилишидан олдин улар Таълим инспекцияси томонидан ишлаб чиқилган аттестациядан ўтказиш мезонлари ва кўрсаткичлари асосида ўз фаолиятини мустақил равишда ички баҳолашдан ўтказилади.

Таълим ташкилотлари ўз фаолияти ташқи баҳолашдан ўтказилишидан икки ой олдин ички баҳолаш натижаларини Таълим инспекциясига тақдим этади.

Таълим инспекцияси таълим ташкилотининг фаолиятини ички баҳолаш яқунларини ўрганади ва улардан таълим ташкилотининг фаолиятини ташқи баҳолаш жараёнида фойдаланади.

Таълим ташкилоти раҳбари ички баҳолаш натижаларининг ишончлиги учун жавобгар бўлади.

60-модда. Хорижий давлатда олинган таълим тўғрисидаги ҳужжатни тан олиш

Хорижий давлатда 1992 йил 1 январдан кейин олинган таълим тўғрисидаги ҳужжат тан олиш жараёнидан ўтказилганидан кейин Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида қонуний кучга эга ҳужжат сифатида тан олинади.

Хорижий давлатда олинган таълим тўғрисидаги ҳужжатни тан олиш Таълим инспекцияси томонидан амалга оширилади.

Хорижий давлатда олинган таълим тўғрисидаги ҳужжатни тан олиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

61-модда. Таълим соҳасидаги расмий ҳужжатларга апостиль қўйиш

Таълим соҳасидаги расмий ҳужжатларга апостиль ҳужжатни тасдиқлаган шахс имзосининг ҳақиқийлигини, шунингдек муҳр ёки штампнинг босма изи ҳақиқийсига мувофиқлигини тасдиқлаш мақсадида қўйилади.

Апостилга қўйилган имзо, муҳр ёки штамп қўшимча равишда тасдиқлашни талаб этмайди.

Таълим ташкилотлари томонидан берилган расмий ҳужжатларга апостиль қўйиш Таълим инспекцияси томонидан амалга оширилади.

9-боб. Таълимни молиялаштириш ва давлат томонидан қўллаб-қувватлаш

62-модда. Таълим ташкилотларини молиялаштириш

Давлат таълим муассасаларини молиялаштириш Ўзбекистон Республи-

касининг республика бюджетидан, Қорақалпоғистон Республикаси бюджетидан, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларидан, туманлар ва шаҳарлар бюджетларидан, кадрлар буюртмачиларининг маблағлари ҳисобидан, шунингдек бюджетдан ташқари маблағлар ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

Нодавлат таълим ташкилотларини молиялаштириш муассисларнинг, кадрлар буюртмачиларининг пул ва моддий маблағлари ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

Давлат таълим муассасалари уставида белгиланган вазифаларга мувофиқ пулли таълим хизматлари ва бошқа хизматлар кўрсатиш, шунингдек тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига эга.

Пулли таълим хизматларини кўрсатиш давлат таълим муассасаларининг асосий фаолиятига тўсқинлик қилмаслиги керак.

Давлат таълим муассасаларида қўшимча таълим хизматлари кўрсатганлик учун ҳақ ундириш тартиби улар томонидан мустақил равишда белгиланади.

Давлат таълим муассасалари пулли таълим хизматлари ва бошқа хизматлар кўрсатиш ҳамда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ҳисобидан олинган пул маблағларини мустақил равишда тасарруф этишга ҳақли.

Таълим ташкилотларини молиялаштиришнинг қўшимча манбалари қуйидагилардан иборат:

шартномалар асосида, шу жумладан чет эллик жисмоний ёки юридик шахслар билан тузилган шартномалар асосида кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳисобидан тушган маблағлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг буюртмалари асосида илмий-тадқиқот, ўқув-услубий ва қонунда тақиқланмаган бошқа ишларни бажариш ҳисобидан тушган маблағлар;

таълим ташкилотлари томонидан ишлаб чиқилган маҳсулотни, бажарилган ишларни ва кўрсатилган хизматларни реализация қилишдан олинган даромадлар;

бинолар, иншоотлар ва асбоб-ускуналарни ижарага бериш ҳисобидан тушган маблағлар;

таълим ташкилотларининг бўш турган пул маблағларини банк муассасаларига депозитларга жойлаштириш ҳисобидан олинган пул маблағлари (фоизлар);

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ажратиладиган маблағлар;

банк кредитлари ва ссудалари;

жисмоний ва юридик шахсларнинг хайрия маблағлари.

Мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус таълимда ва бошланғич профессионал таълимда ажратиладиган маблағлар суммалари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланади ҳамда ушбу маблағлар тарбияланувчилар ва таълим олувчиларнинг ўқиш жойидаги таълим ташкилотларига йўналтирилади.

63-модда. Таълимни ривожлантириш жамғармалари

Таълимни ривожлантириш жамғармалари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат муассасалари ҳамда ташкилотларининг, юридик ва жисмоний шахсларнинг, шу жумладан чет эллик юридик ва жисмоний шахсларнинг бадаллари ҳамда ажратмалари, шунингдек қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан ташкил этилиши мумкин.

64-модда. Таълим соҳасидаги давлат-хусусий шериклик

Таълим соҳасидаги давлат-хусусий шериклик давлат ва хусусий шерикларнинг муайян муддатга юридик жиҳатдан расмийлаштирилган, давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга ошириш учун ўз ресурсларини бирлаштиришига асосланган ҳамкорликдир.

Нодавлат таълим ташкилотлари таълим соҳасидаги давлат-хусусий шериклик асосида ташкил этилиши мумкин.

Таълим соҳасидаги давлат-хусусий шериклик «Давлат-хусусий шериклик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни принциплари, нормалари ва қоидаларига мувофиқ амалга оширилади.

65-модда. Таълим соҳасига инвестицияларни жалб этиш

Давлат таълим соҳасини, таълим ташкилотлари фаолиятини ривожлантиришга, шунингдек инвесторларнинг, шу жумладан чет эллик инвесторларнинг ушбу соҳадаги ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган инвестицияларни жалб этиш учун қулай ижтимоий-иқтисодий, ташкилий-ҳуқуқий шароитлар яратилишини таъминлайди.

66-модда. Таълим ташкилотларининг мол-мулки

Таълим ташкилотлари ўз мулкига, хўжалик юритувидаги ёки оператив бошқарувидаги мулкка эга бўлиши керак.

Давлат таълим муассасаларининг оператив бошқарувида ёки хўжалик юритувида бўлган объектларнинг (бинолар, иншоотлар, қурилаётган бинолар ва иншоотларнинг, ўқув, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмаларнинг, таълим олувчилар вақтинча турар жой биноларининг, клиник базалар ва бошқа кўчмас мулк объектларининг, шу жумладан таълим кампусларига қирадиган мулк объектларининг) хусусийлаштирилишига йўл қўйилмайди.

Таълим ташкилотлари қайта ташкил этилган ҳолларда уларнинг мол-мулки янги ташкил этилган таълим ташкилотига ҳуқуқий ворислик асосида ўтказилади.

Таълим ташкилотлари тугатилганда уларга тегишли мол-мулк кредиторларнинг талаблари қаноатлантирилгандан сўнг, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, муассисларга (иштирокчиларга) қайтарилади.

10-боб. Таълим соҳасидаги халқаро ҳамкорлик**67-модда. Таълим ташкилотларининг халқаро ҳамкорлиги**

Таълим ташкилотлари қуйидагилар воситасида тегишли хорижий мамлакатларнинг таълим муассасалари ва ташкилотлари билан халқаро ҳамкорликни амалга оширади:

таълим муаммолари юзасидан илмий-техник ҳамкорликни ривожлантириш;

қўшма факультетлар, ўқув марказлари ва илмий лабораториялар ташкил этиш;

халқаро даражадаги биргаликдаги таълим ҳамда илмий-тадқиқот лойиҳалари ва дастурларини тайёрлаш;

ҳамкорликда фундаментал ҳамда амалий илмий-тадқиқот лойиҳаларини амалга ошириш;

илмий-амалий семинарлар, конференциялар ва симпозиумлар ўтказиш; талабалар, магистрлар, докторантлар, ўқитувчилар ва илмий ходимлар алмашилишини амалга ошириш;

икки томонлама дипломлар (Double Diploma) дастурларини жорий этиш; қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа тадбирлар.

Таълим ташкилотлари қонун ҳужжатларига мувофиқ хорижий давлатларнинг таълим муассасалари ва ташкилотлари билан ҳамкорликда кадрлар тайёрлашни амалга ошириши мумкин.

68-модда. Таълим соҳасидаги халқаро ҳамкорлик

Таълим соҳасидаги халқаро ҳамкорлик Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари ва қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Таълим соҳасидаги ваколатли давлат бошқаруви органлари:

хорижий давлатларнинг тегишли ваколатли органлари, таълим муассасалари билан ҳамкорлик қилади;

Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи фуқароларни хорижий давлатларнинг таълим муассасаларига ўқиш учун юборади;

педагог ходимлар ва таълим олувчилар алмашинувини амалга оширади;

раҳбар ҳамда педагог ходимларнинг хорижий давлатларда тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этади;

ўз ходимлари ҳамда мутахассисларини халқаро конференцияларга ва стажировкаларга юбориш, уларнинг халқаро лойиҳалар ҳамда илмий тадқиқотларда иштирок этишини қўллаб-қувватлайди.

Таълим соҳасидаги ваколатли давлат бошқаруви органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ таълим соҳасидаги халқаро ҳамкорликни ривожлантириш бўйича бошқа тадбирларни ҳам амалга ошириши мумкин.

69-модда. Хорижда таълим олиш

Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи фуқаролар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ ёки яқка тартибда хорижда таълим олиш ҳуқуқига эга.

11-боб. Яқунловчи қоидалар**70-модда. Низоларни ҳал этиш**

Таълим соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

71-модда. Таълим тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Таълим тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

72-модда. Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш

Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин:

1) Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 29 августда қабул қилинган **«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»**ги 463–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 11-12, 295-модда);

2) Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 29 августда қабул қилинган **«Таълим тўғрисида»**ги 464–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 9, 225-модда);

3) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 йил 29 августдаги 465–I-сонли **«Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни кучга кириш тартиби тўғрисида»**ги Қарори (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 9, 226-модда);

4) Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 9 апрелда қабул қилинган **«Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига ўзгартиш киритиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–87-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 160-модда) **1-моддаси**;

5) Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 7 октябрда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–355-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2013 йил, № 10, 263-модда) **15** ва **16-моддалари**;

6) Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 3 январда қабул қилинган **«Айрим давлат органлари фаолияти такомиллаштирилиши, шунингдек фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–456-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, № 1, 1-модда) **14** ва **15-моддалари**;

7) Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 18 апрелда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**»ги ЎРҚ–476-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, № 4, 224-модда) **26-моддаси**.

73-модда. Ушбу Қонуннинг ижросини, етказилишини, моҳияти ва аҳамияти тушунтирилишини таъминлаш

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ва ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

74-модда. Қонун ҳужжатларини ушбу Қонунга мувофиқлаштириш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:
ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштиради;
давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

75-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 23 сентябрь,
ЎРҚ–637-сон

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

420 Халқаро шартномани тасдиқлаш тўғрисида*

1. Ўзбекистон Республикаси ва Япония ўртасида 2019 йил 19 декабрда Токио шаҳрида имзоланган Даромад солиқлари бўйича икки ёқлама солиққа тортишни бартараф қилиш ҳамда солиқларни тўлашдан бош тортиш ва бўйин товлашнинг олдини олиш тўғрисидаги конвенция тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги мазкур халқаро шартнома кучга кириши учун зарур бўлган давлат ички тартиб-таомиллари Ўзбекистон Республикаси томонидан бажарилганлиги тўғрисида Япония томонига тегишли хабарнома йўлласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳамда тегишли вазирликлар ва идораларнинг раҳбарлари мазкур халқаро шартнома кучга киргандан кейин Ўзбекистон Республикасининг мажбуриятлари бажарилиши устидан белгиланган тартибда назоратни таъминласин.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 15 сентябрь,
ПҚ-4826-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 16 сентябрда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**421 Халқаро шартномани тасдиқлаш тўғрисида***

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Корея Республикаси Ҳукумати ўртасида 1998 йил 11 февралда имзоланган Икки ёқлама солиқ солишининг олдини олиш ҳамда даромад ва сармоя солиқларини тўлашдан бош тортишни бартараф қилиш тўғрисидаги конвенцияга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида 2019 йил 19 апрелда Тошкент шаҳрида имзоланган баённома тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги мазкур халқаро шартнома кучга кириши учун зарур бўлган давлат ички тартиб-таомиллари Ўзбекистон Республикаси томонидан бажарилганлиги тўғрисида Корея томонига тегишли хабарнома йўлласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳамда тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари ушбу халқаро шартнома кучга киргандан кейин Ўзбекистон Республикасининг мажбуриятлари бажарилиши устидан белгиланган тартибда назоратни таъминласин.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 15 сентябрь,
ПҚ-4827-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 16 сентябрда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**422 Пахта ҳосили теримини механизациялашни молиявий қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида***

Сўнги йилларда республикада пахта йиғим-теримида қўл меҳнати улушини камайтириш, теримни механизациялашган шаклда ташкил қилиш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, қишлоқ хўжалиги техникаларини ишлаб чиқарувчи корхоналарда турли русумдаги замонавий пахта териш машиналарини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Шу билан бирга, 2020 йил пахта ҳосили терими мавсумига тайёргарлик кўриш жараёнида пахта-тўқимачилик кластерлари ва фермер хўжаликларининг пахта териш машиналари билан таъминланганлик даражасини ошириш талаб этилади.

Республикада пахта ҳосили теримини механизациялаш даражасини ошириш, пахта-тўқимачилик кластерлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектларни сифатли пахта териш машиналари сотиб олиш учун молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида:

1. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳамда вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда жорий йил мавсумида пахта ҳосили теримини механизациялашган усулда ташкил қилиш бўйича пахта териш машиналарига бўлган буюртмалар портфели шакллантирилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг (кейинги ўринларда — Жамғарма) маблағлари ҳисобидан эквиваленти 50 миллион АҚШ доллари миқдорида «Агробанк» АТБнинг устав капиталидаги Жамғарма улуши оширилсин.

Жамғарма бир ҳафта муддатда ушбу банднинг биринчи хатбошисида кўрсатилган маблағларни «Агробанк» АТБ устав капиталига ўтказиб берсин.

Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги «Агробанк» АТБнинг қўшимча чиқарилган акцияларининг давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин.

3. Белгилаб қўйилсинки:

«Агробанк» АТБ устав капиталига киритилаётган 50 миллион АҚШ доллари эквивалентидаги мақсадли маблағлар пахта-тўқимачилик кластерларига ва бошқа хўжалик юритувчи субъектларга маҳаллий ишлаб чиқарилган пахта териш машиналарини сотиб олишга Марказий банкнинг асосий ставкасида кредитлар ажратиш учун йўналтирилади;

юқорида кўрсатилган кредитларнинг сўндириладиган қисми маҳаллий ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги техникаларини сотиб олиш мақсадларига йўналтирилади.

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 16 сентябрда эълон қилинган.

4. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги бир ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

5. Ушбу қарорда белгиланган чора-тадбирларнинг самарали ва ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш мақсадида:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва туманлар ҳокимлари уч кун муддатда ҳудудлардаги пахта териш машиналарига талабгорларнинг аниқ рўйхатини шакллантирсин;

қишлоқ хўжалиги вазири Ж. Ходжаев пахта териш машиналарига талабгорларни танлашга қўмақлашсин ҳамда пахта ҳосили теримини механизациялаш бўйича таклифларни ишлаб чиқсин;

«Агробанк» АТБ бошқаруви раиси Р. Маматкулов пахта-тўқимачилик кластерларига ва бошқа хўжалик юритувчи субъектларга кредит ҳужжатларини сифатли тайёрлашда амалий ёрдам кўрсатиш ва кредитларни бюрократиясиз ажратишни таъминласин;

«Ўзавтосаноат» АЖ бошқаруви раиси Ш. Умурзоқов пахта териш техникаларининг ўз вақтида ишлаб чиқарилишини ва талабгорларга етказиб берилишини таъминласин.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Ж.А. Қўчқоров ва Ў.И. Барноев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 15 сентябрь,
ПҚ-4828-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**423 Хавфсиз, тартибли ва қонуний меҳнат миграцияси тизимини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида***

Сўнги тўрт йил давомида хорижда ишлаётган фуқароларга нисбатан муносабат тубдан ўзгариб, меҳнат мигрантлари билан мулоқот ўрнатилди, уларнинг муаммо ва эҳтиёжларини ўрганиш ҳамда ҳал қилиш бўйича янги тизим жорий қилинди.

Хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи шахсларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) ташкил этилди, меҳнат мигрантларининг ҳаёти ва соғлиғини суғурталаш, уларнинг оила аъзолари учун ипотека кредитларини ажратиш амалиёти жорий қилинди.

Шу билан бирга, хорижда меҳнат фаолиятини амалга ошираётган фуқароларни қўллаб-қувватлаш механизмларини такомиллаштириш, меҳнат миграциясидан қайтиб келган шахсларнинг реинтеграциясини таъминлаш, уларнинг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш бўйича комплекс чора-тадбирларни қабул қилиш талаб этилмоқда.

Ташқи меҳнат миграцияси соҳасидаги ваколатли органларнинг фаолиятини такомиллаштириш, хорижда ишламоқчи бўлган шахсларни талаб юқори бўлган касбларга ўқитиш, фуқароларнинг чет элда бўлиш даврида ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, қайтиб келган меҳнат мигрантларининг бандлигини таъминлаш, шунингдек, уларнинг оила аъзоларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси фуқароларини ташкиллаштирилган ҳолда хорижда ишга жойлаштириш, улар билан доимий мулоқот қилиш ва муаммоларини тизимли ҳал қилишни ташкил этиш, Ватанга қайтиб келганидан сўнг иш билан таъминлаш бўйича Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳри, вилоятлар, туман ва шаҳарлар ҳокимликларининг фаолияти қониқарсиз деб топилсин.

2. Хавфсиз, тартибли ва қонуний меҳнат миграцияси тизими 1-иловага** мувофиқ тасдиқлансин ҳамда қуйидагилар унинг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси фуқароларини чет элга вақтинча меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун ташкиллаштирилган ҳолда юбориш ҳажминини ошириш, ушбу мақсадда вазирлик, идоралар ва маҳаллий ижроия ҳокимияти органларининг вазифа ва ваколатлари доирасини кенгайтириш; ташқи меҳнат миграцияси соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожланти-

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 16 сентябрда эълон қилинган.

** 1-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

риш, хориждаги ватандошлар ташкилотлари ва ўзбек диаспоралари билан алоқаларни мустаҳкамлаш;

хорижга ишлашга кетишдан олдин Ўзбекистон Республикаси фуқароларини касб-хунарга ва хорижий тилларга ўқитиш амалиётини самарали йўлга қўйиш, уларга касбий малакани тасдиқловчи халқаро тан олинган сертификатларни бериш тизимини жорий қилиш;

хорижда мураккаб шароитга тушиб қолган меҳнат мигрантларини молиявий ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳаёти ва соғлиғини суғурталаш амалиётини кенгайтириш, улар учун маданий-маърифий тадбирларни ташкил этиш;

чет элда меҳнат фаолиятини амалга ошираётган фуқароларнинг ҳақ-хуқуқларини таъминлашга ва қўмаклашишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш, уларга қулай шарт-шароитларни яратиш;

меҳнат миграциясидан қайтиб келган шахсларни реинтеграция қилиш, шу жумладан, уларнинг бандлигини таъминлаш, касбий малакасини ошириш ва тадбиркорлик ташаббусларини рағбатлантириш.

3. Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги ҳудудий филиаллари ишини ташкил этишнинг қўйидаги тартиби ўрнатилсин:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари ҳудудий филиалларга умумий раҳбарлик қилади ҳамда уларга юклатилган вазифаларнинг самарали бажарилиши учун масъул ҳисобланади;

ҳудудий филиал раҳбарлари бир вақтнинг ўзида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимининг ташқи меҳнат миграцияси масалалари бўйича ёрдамчилари ҳисобланади;

ҳудудий филиал раҳбарлари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари томонидан Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан келишилган ҳолда лавозимга тайинланади ҳамда лавозимидан озод этилади;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан ҳудудий филиалларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда уларнинг фаолиятига фуқаролик-хуқуқий шартномалар асосида малакали мутахассисларни жалб қилиш чораларини кўради;

ҳудудий филиаллар ходимлари ташкиллаштирилган меҳнат миграцияси улушини ошириш ҳамда меҳнат миграциясидан қайтиб келган шахсларнинг бандлигини таъминлаш бўйича амалга оширилган ишлар самарадорлигига қараб моддий рағбатлантирилади;

Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги ҳудудий филиалларга меҳнат миграцияси масалалари бўйича методик ёрдам кўрсатади, хорижий меҳнат бозори ҳамда салоҳиятли иш берувчилар тўғрисида маълумот беради, ходимларини рағбатлантиради ва моддий-техника базасини мустаҳкамлашга қўмаклашади.

4. Ташқи меҳнат миграцияси агентлигининг ҳудудий филиалларига қўйидаги ҳуқуқлар берилсин:

хорижий иш берувчилар билан келишувлар тузиш ҳамда тузилган келишувларга асосан хорижга фуқароларни ишга юбориш;

Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналари, консуллик муассасалари ҳамда Ташқи меҳнат миграцияси агентлигининг ваколатхоналари билан чет давлатларда ишлаётган меҳнат мигрантларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш масалалари бўйича ҳамкорлик қилиш;

хорижий мамлакатларнинг ҳудудий миграция ва бошқа давлат органлари билан алоқалар ўрнатиш ва музокаралар ўтказиш;

хориждаги ватандошлар ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиш;

хорижий (халқаро) молия институтлари ва бошқа ташкилотларнинг миграция соҳасини ривожлантиришга ажратиладиган техник кўмак маблағлари ва грантларини жалб қилиш.

5. Қуйидагилар:

Хавфсиз, тартибли ва қонуний меҳнат миграцияси тизими доирасида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан амалга ошириладиган чора-тадбирлар дастури 2-иловага* мувофиқ;

Хавфсиз, тартибли ва қонуний меҳнат миграцияси тизими доирасида Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари томонидан амалга ошириладиган чора-тадбирлар дастури 3-иловага* мувофиқ;

2020-2021 йилларда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан ташқи меҳнат миграцияси соҳасида амалга ошириладиган ишларнинг асосий кўрсаткичлари 4-иловага** мувофиқ;

2021 йилда хорижий мамлакатларда ўтказиладиган маданий-маърифий тадбирлар дастури 5-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

6. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2021 йил 1 январдан бошлаб ташкиллаштирилган меҳнат миграцияси йўли билан хорижга чиқиб кетаётган шахслар ишга юборилишидан олдин давлат ва нодавлат таълим ташкилотларида касб-ҳунарга ўқитилади, хорижий иш берувчининг малака талабларига жавоб берадиган шахслар бундан мустасно.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 11 августдаги «Камбағал ва ишсиз фуқароларни тадбиркорликка жалб қилиш, уларнинг меҳнат фаоллигини ошириш ва касб-ҳунарга ўқитишга қаратилган ҳамда аҳоли бандлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4804-сон қарорига мувофиқ меҳнат миграциясига чиқиб кетаётган шахсларни касб-ҳунар ва чет тилларига ўқитиш учун ҳудудларда «Ишга марҳамат» мономарказлари, касб-ҳунарга ўқитиш марказлари, қисқа муддатли касб-ҳунарга ўқитиш курслари, маҳалла аҳолисини касб-ҳунарга ўқитиш масканлари ташкил этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

8. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Бандлик ва меҳнат муноса-

* 2-3, 5-иловалар берилмайди.

** 4-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

батлари вазирлиги, тасарруфида профессионал таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳамда вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда икки ой муддатда:

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда жойлашган коллежлар ва техникумларда меҳнат мигрантлари учун қисқа муддатли касб-хунар ва чет тилларига ўқитиш курсларини 6-иловага* мувофиқ ташкил этсин;

қисқа муддатли курсларнинг ўқув дастурларини хорижий йирик иш берувчиларнинг талабларига мослаштирсин;

хорижий иш берувчилар ва хусусий бандлик агентликлари билан узвий алоқаларни ўрнатсин ҳамда қисқа муддатли курсларда улар учун зарур бўлган касблар бўйича малакали мутахассисларни тайёрласин;

хорижий йирик ўқув марказлари билан икки томонлама битим имзоласин ҳамда қисқа муддатли курслар ўқитувчиларини малака оширишга юборишни ташкил этсин.

Белгилансинки, қисқа муддатли курсларда ўқитиш харажатлари Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари, ушбу мақсадларга Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар, янги ишчиларни касбга тайёрлаш учун буюртма берган ташкилотлар маблағлари ва қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан қопланади.

9. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигига Жамғарма маблағлари ҳисобидан меҳнат мигрантлари учун қисқа муддатли ўқитиш дастурларини ишлаб чиқиш, методик таъминотни яратиш, хориждаги йирик корхоналарнинг малакали мутахассисларини ва етакчи таълим муассасаларининг педагог кадрларини жалб қилиш, ўқитувчилар ва ишлаб чиқариш таълим усталарининг педагогик маҳоратини ошириш ҳуқуқи берилсин.

10. 2021 йил 1 январга қадар:

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Япония иш берувчилари билан ҳамкорликда Тошкент шаҳридаги «Ишга марҳамат» мономарказида «Япон тили ва касбий малака» тест марказини;

Фарғона вилояти ҳокимлиги Россия Федерациясининг Пайвандчилик назорати миллий агентлиги билан ҳамкорликда Фарғона шаҳридаги «Ишга марҳамат» мономарказида пайвандчилар мактабини;

Сирдарё вилояти ҳокимлиги Бирлашган Араб Амирликларининг «Tadbeer» рекрутинг марказлари билан ҳамкорликда Гулистон шаҳридаги «Ишга марҳамат» мономарказида хизмат соҳасида фаолият кўрсатадиган ишчиларни тайёрлаш ўқув марказини;

Наманган вилояти ҳокимлиги вилоятдаги профессионал таълим муассасаларида давлат-хусусий шериклик асосида «IT School» ўқув марказларини, Япония ва Бирлашган Араб Амирликлари билан ҳамкорликда чет тилларига ўқитиш ва хизмат соҳаси бўйича касбларга тайёрлаш ўқув марказларини ташкил қилсин.

11. Белгилансинки, 2021 йил 1 январдан бошлаб:

«Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизими орқали кам таъминланган оила аъзоси сифатида эътироф этилган ва ташкиллаштирилган меҳ-

* 6-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

нат миграцияси йўли билан вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун хорижга чиқиб кетаётган шахсларга микроқарзлар бериш тартиби жорий қилинади;

микроқарзлар хорижда ишга жойлашиш (шу жумладан, йўл ҳақини тўлаш ва меҳнат фаолиятига рухсат олиш) билан боғлиқ харажатларни қоплаш учун 10 миллион сўмгача миқдорда бир йил муддатга берилади;

микроқарз фоиз ставкасининг Марказий банк асосий ставкасидан ошадиган, лекин асосий ставканинг 1,5 бараваридан кўп бўлмаган қисми Бандликка қўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан компенсация қилинади.

Бунда, микроқарз ҳамда унга ҳисобланган фоизлар қарз олувчининг (оила аъзоларининг) топшириғига мувофиқ уларнинг ҳисобварақларига халқаро пул ўтказмалари тизимлари орқали келиб тушган маблағлардан ушлаб қолиш йўли билан ҳамда қонун ҳужжатларида кўрсатилган бошқа усулларда тўланиши мумкин.

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги бир ой муддатда манфаатдор тижорат банклари билан микроқарзларни бериш, уларнинг таъминотига қўйиладиган талаблар ва қайтариш тартибини назарда тутувчи келишув битимини тузсин.

12. 2021 йил 1 январдан бошлаб шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ ташкиллаштирилган меҳнат миграцияси йўли билан хорижда вақтинча меҳнат фаолиятини амалга ошириш ўзини ўзи банд қилган шахслар шуғулланиши мумкин бўлган фаолият (ишлар, хизматлар) турларига тенглаштирилади ва унга ўзини ўзи банд қилган шахслар учун белгиланган солиқларни тўлаш ҳамда пенсия миқдорини ҳисоблаш тартиби қўлланилади.

13. Вазирлар Маҳкамаси, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

2021 йил 1 январга қадар Россия Федерацияси Ички ишлар вазирлигининг паспорт-виза хизмати ваколатхонасини Ўзбекистон Республикасида очиш ҳамда ушбу ваколатхонада вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга оширишга рухсатномани (патентни) тайёрлаш, расмийлаштириш ва бериш хизматларини кўрсатиш;

2021 йил 1 июнга қадар Болгария, Латвия, Исроил, Финляндия, Польша ва Канада билан Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг мазкур давлатлардаги ташкиллаштирилган меҳнат фаолияти тўғрисида ҳамкорлик битимларини тузиш;

2021 йил 1 январга қадар Ташқи меҳнат миграцияси агентлигининг Екатеринбург, Новосибирск, Самара, Уфа, Чимкент ва Истанбул шаҳарларидаги ваколатхоналарини очиш ҳамда ушбу ваколатхоналар фаолиятини мазкур ҳудудлардаги Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари билан мувофиқлаштириш чораларини кўрсин.

14. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг чет давлатларда мураккаб молиявий аҳволга тушган ва шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар-

сиз, маблағларсиз қолган фуқароларга тўланадиган бир марталик моддий ёрдам миқдорини базавий ҳисоблаш миқдорининг бир бараваридан икки бараваригача кўпайтириш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

15. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Ташқи ишлар вазирлиги:

2021 йил 1 январга қадар Россия Федерацияси, Қозоғистон ва Туркия Республикаларида вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларига миграция ва меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилиши билан боғлиқ масалалар бўйича ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш мақсадида мазкур давлатлардаги адвокатлик ташкилотлари ўртасида очиқ танловни ўтказсин ва танлов ғолиблари билан битимлар тузсин;

уч ой муддатда меҳнат мигрантларига ҳуқуқий ёрдам бериш бўйича онлайн платформани яратсин, хусусий секторни жалб қилган ҳолда Россия Федерацияси ҳудудини доимий хизмат билан қамраб оладиган «Call-марказ»ни ташкил қилсин;

адвокатлик фирмалари ҳамда «Call-марказ»нинг хизматлари қийматини Жамғарма маблағлари ҳисобидан қопласин.

16. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Ташқи ишлар вазирлигининг:

хорижий мамлакатларда Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларга муносиб иш топиб бериш ва бошқа йўналишларда яқиндан ёрдам кўрсатиб келаётган шахсларни дипломатик ваколатхоналар ва консуллик муассасаларининг «фахрий консули» ҳамда маҳаллий ижроия ҳокимияти органларининг «жамоат маслаҳатчиси» этиб тайинлаш;

«фахрий консул» ва «жамоат маслаҳатчи»ларини давлат мукофотлари билан тақдирлаш ва уларга фахрий унвонлар бериш амалиётини жорий қилиш;

дипломатик ваколатхоналар, консуллик муассасалари ҳамда Ташқи меҳнат миграцияси агентлигининг ваколатхоналари ҳузурида хориждаги ватандошлар, иш берувчилар ҳамда Ўзбекистон Республикаси фуқароларига мунтазам равишда ёрдам кўрсатиб келаётган бошқа шахслар иштирокидаги Маслаҳат кенгашларини ташкил этиш;

Маслаҳат кенгашлари томонидан хорижий давлатларда ишлаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг муаммоларини ҳал қилиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш, хорижий экспертлар иштирокида давра суҳбатларини ўтказиш, меҳнат мигрантларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича тажриба алмашиш;

хориждаги ватандошлар ташкилотлари, иш берувчилар ва Маслаҳат кенгашларининг «labor migration» дастурий мажмуасидан фойдаланиш имкониятларини ошириш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

17. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2021 йил 1 январдан бошлаб «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизими орқали кам таъминланган оила аъзоси сифатида эътироф этилган ва хорижда вақтинча меҳнат фаолиятини амалга ошириб, қайтиб келган шахсларга:

а) Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан куйидаги харажатларни қоплаш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 бараваригача миқдорида субсидия тўланади:

якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтган ёки кичик корхоналар ва микрофирмаларни давлат рўйхатидан ўтказган вақтдан бошлаб биринчи уч ой давомида ижарага олинган бино ва иншоотларнинг ижара ҳақини тўлаш;

тадбиркорлик асослари ва молиявий саводхонликка ўқиш;

кредит олишда таъминот сифатида тақдим этиладиган суғурта полиси бўйича тўловларни амалга ошириш;

б) Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун ажратилган кредитлар бўйича кредит фоизи ставкасининг Марказий банк асосий ставкасидан ошадиган, лекин асосий ставканинг 1,5 бараваридан кўп бўлмаган қисми компенсация қилинади.

18. Молия вазирлиги 2021 йил ва кейинги йиллар учун Давлат бюджети параметрларини шакллантиришда мазкур қарорнинг 11 ва 17-бандларида белгиланган чораларни амалга ошириш учун Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси ҳамда Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасига зарур маблағлар ажратишни назарда тутсин.

19. Белгилаб қўйилсинки, туман ва шаҳар сектор раҳбарлари, маҳалла раислари ва меҳнат инспекторлари хорижга ишлаш учун кетган фуқаролар оила аъзоларининг:

ҳолидан мунтазам хабар олиб, муаммолари ва эҳтиёжларини аниқлайди ҳамда уларни ҳал этишда амалий ёрдам кўрсатади;

моддий ва ижтимоий ҳолатини яхшилаш, уларга зарур тиббий патронаж хизматини кўрсатиш, ипотека кредитлари асосида уй-жойлар ажратиш, фарзандларининг таълим олишидаги муаммоларини ҳал қилиш, меҳнатга лаёқатли аъзоларини иш билан таъминлашга кўмаклашади.

Туман ва шаҳар сектор раҳбарлари мазкур бандда белгиланган вазифалар ижроси юзасидан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимининг ташқи меҳнат миграция масалалари бўйича ёрдамчисига ҳар ойда бир марта ахборот бериб борсин.

20. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги:

бир ҳафта муддатда хорижда вақтинча меҳнат фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ масалалар бўйича мурожаатларни қабул қилиш имконини берувчи узлуксиз ишлайдиган «1282» қисқа рақамли ишонч телефонини ташкил этсин;

ривожланган давлатлардан таклиф этилган иш берувчилар, малакали мутахассислар ва экспертлар иштирокида халқаро меҳнат ярмаркалари, конференция ва семинарларни ўтказиш амалиётини йўлга қўйсин.

21. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда оммавий ахборот воситаларида:

а) қуйидагилар:

хорижий мамлакатларда вақтинча меҳнат фаолиятини амалга ошириш тартиби ва шартлари, чет давлатларнинг меҳнат ва миграция тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, меҳнат бозорида мавжуд бўлган талаб юқори бўлган касблар, мазкур касбларга ўқитадиган таълим муассасалари тўғрисида;

вилоят, туман (шаҳар) ҳокимликлари ва секторлар, маҳалла ва меҳнат органлари, Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари томонидан меҳнат миграцияси соҳаси бўйича амалга оширилаётган ишлар, чет мамлакатларда вақтинча меҳнат фаолиятини амалга оширмақчи бўлган шахсларга давлат томонидан кўрсатиладиган қўллаб-қувватлаш чоралари тўғрисида махсус дастур ва лавҳаларни эфирга узатиб борсин;

б) ушбу қарорнинг мақсад ва вазифалари кенг миқёсда ёритилишини таъминласин ҳамда Ўзбекистон телеканалларининг Россия, Қозоғистон, Туркия ва бошқа давлатларда эфирга узатиш қамровини янада кенгайтирсин.

22. Мазкур қарорда белгиланган чора-тадбирларнинг самарали ва ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш мақсадида:

бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг биринчи ўринбосари Э. Мухитдинов — Хавфсиз, тартибли ва қонуний меҳнат миграцияси тизимини амалга ошириш ва янада такомиллаштириш, ташкиллаштирилган меҳнат миграцияси улушини тубдан ошириш, республикадан ташқарига ишлаш учун кетаётган фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, хориждан қайтиб келган меҳнат мигрантларининг бандлигини таъминлаш чораларини кўрсин;

ташқи ишлар вазири А. Камилов — Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги дипломатик ва консуллик муассасаларининг меҳнат мигрантлари билан тўғридан-тўғри ва очиқ мулоқот ўрнатиш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича фаолияти самарадорлигини оширсин ҳамда мазкур жараёнга хориждаги ватандошлар ташкилотларини жалб қилсин;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари — Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги ҳудудий филиалларининг фаолиятини лозим даражада ташкил қилсин, меҳнат мигрантлари ҳамда улар оила аъзоларининг уй-жой ва маиший шароитларини яхшилаш, молиявий ёрдам бериш, ҳаёти ва соғлиғини ҳимоя қилиш бўйича зарур чораларни кўрсин;

Бош вазир маслаҳатчиси — Хорижда вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва халқаро иқтисодий ҳамкорлик масалалари департаменти бошлиғи М. Хайриддинов — фуқароларни ташкиллаштирилган меҳнат миграциясига юбориш мақсадида дастлабки касбий тайёргарлик, мослашув тадбирларини амалга ошириш, меҳнат мигрантларини хорижда ишга жойлаштириш, уларга, шу жумладан, ўз Ватанига қайтиб келганидан сўнг ҳуқуқий ва ижтимоий ёрдам кўрсатиш жараёнларини мувофиқлаштириб борсин;

Бош вазир ўринбосари — иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Ж. Қўчқоров — мазкур қарорда назарда тутилган молиявий механизмларни тўлиқ жорий этиш, меҳнат мигрантларининг пенсия ва кредит олиш масалаларини ҳал қилиш бўйича ишларни мувофиқлаштириб борсин, шунингдек, ушбу мақсадда ажратилаётган маблағларнинг манзилли сарфланишини таъминласин;

Бош вазир ўринбосари — инвестициялар ва ташқи савдо вазири С. Умурзоқов — ҳукуматлараро комиссиялар доирасида меҳнат миграциясида бўлган шахсларга меҳнат фаолиятини амалга ошириши учун қулай шарт-шароитлар яратиш ҳамда ушбу масалалар бўйича халқаро битим ва келишувларга эришишга доир ишларни мувофиқлаштириб борсин.

23. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июлдаги «Ўзбекистон Республикасининг ташқи меҳнат миграция тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3839-сон қарорида:

1-банднинг тўртинчи хатбошисидаги «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги (кейинги ўринларда Агентлик деб юритилади)» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги марказий аппаратининг таркибий бўлинмаси (бўлинмалари)» сўзлари билан алмаштирилсин;

2-банднинг саккизинчи хатбошисидаги «Агентликнинг» сўзи «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси агентлигининг (кейинги ўринларда — Агентлик)» сўзлари билан алмаштирилсин.

24. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

25. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Қабул қилинган чора-тадбирлар натижадорлиги тўғрисида 2020 йил 1 декабрга ҳамда 2021 йил 1 июлга қадар Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот берилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 15 сентябрь,
ПҚ-4829-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**424 Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш халқаро жамфармаси иштирокида «Қишлоқ хўжалигини диверсификация ва модернизация қилиш» лойиҳасини амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида***

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган Стратегияси ижросини таъминлаш, Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш халқаро жамфармаси билан ҳамкорликни кенгайтириш, шунингдек, маҳсулот ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш ва қўшилган қиймат занжирини яратишни кенгайтириш асосида қишлоқ аҳолиси бандлиги ва даромадини ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 ноябрдаги «Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш халқаро жамфармаси иштирокида «Қишлоқ хўжалигини диверсификация ва модернизация қилиш» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4021-сон қарорига асосан:

а) «Қишлоқ хўжалигини диверсификация ва модернизация қилиш» лойиҳаси (кейинги ўринларда — Лойиҳа) доирасида 2020 йил 4 августда Ўзбекистон Республикаси ва Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш халқаро жамфармаси ўртасида қўшимча 46,2 млн АҚШ доллари миқдоридаги кредит, шунингдек, 800 минг АҚШ доллари миқдоридаги грант маблағлари бўйича қарз битимининг (кейинги ўринларда — қарз битими) имзоланганлиги;

б) Лойиҳани амалга ошириш доирасида:

Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш халқаро жамфармасининг кредити ҳисобидан харид қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар) ва транспорт воситалари божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви учун йиғимлардан ташқари), қўшилган қиймат солиғидан ва йиғимлардан;

иштирок этаётган жисмоний шахслар — Ўзбекистон Республикаси норезидентлари даромадлари жисмоний шахсларнинг даромадларидан олинadиган солиқдан озод қилинганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қарз битимига мувофиқ Лойиҳа доирасида жалб этиладиган қўшимча қарз маблағлари қуйидагиларга йўналтирилиши белгилансин:

қишлоқ хўжалигида диверсификация қилишни молиялаштириш бўйича кредит ажратиш учун — 39,8 млн АҚШ доллари. Бунда кластер ва кооперациялар ҳамда уларга аъзо бўлган тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга — 30,3 млн АҚШ доллари, ёшлар ва аёллар учун — 5 млн АҚШ доллари миқдорида, Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамфармасига 4,5 млн АҚШ доллари миқдорида кредитлар ажратилади;

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 16 сентябрда эълон қилинган.

ирригация тизимларини модернизация қилиш учун — 3,1 млн АҚШ доллари. Бунда ўрмон фонди ерларида тик қудук қазиш ва насос ўрнатиш орқали сув чиқаришга 2 млн АҚШ доллари сарфланади;

қишлоқ хўжалигида билим, инновация ва агрохизматлар тизимини ривожлантириш бўйича — 4,1 млн АҚШ доллари.

3. Қуйидагилар:

«Қишлоқ хўжалигини диверсификация ва модернизация қилиш» лойиҳаси техник-иқтисодий асосланувининг асосий кўрсаткичлари 1-иловага* мувофиқ;

«Қишлоқ хўжалигини диверсификация ва модернизация қилиш» лойиҳасига жалб этиладиган қўшимча молиялаштириш доирасида Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш халқаро жамғармасининг қарз маблағларини сўндириш, фоиз ва комиссия тўловларини амалга ошириш прогноз жадвали 2-иловага* мувофиқ;

Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш халқаро жамғармасининг «Қишлоқ хўжалигини диверсификация ва модернизация қилиш» лойиҳаси доирасида маблағлардан фойдаланиш бўйича «Йўл харитаси» 3-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

4. Белгилансинки:

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Лойиҳанинг ўз вақтида ва тўлиқ амалга оширилишини ҳамда натижадорлигини таъминлайди;

Лойиҳада иштирок этувчи тижорат банклари зиммасига кредит линиясини бошқариш, Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш халқаро жамғармаси қарзининг ўз вақтида ўзлаштирилиши ва мақсадли фойдаланилишини таъминлаш, шунингдек, сублойиҳаларни амалга ошириш бўйича ҳисобот ва мониторингни юритиш вазифалари юкланади.

5. Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш халқаро жамғармасининг 35 325 000 АҚШ доллари миқдоридаги қарз маблағларининг қайтарилиши тўлиқлигича Лойиҳа доирасида тижорат банкларига қайта кредитланадиган маблағларнинг қайтарилиши ҳисобидан ҳамда қолган 10 875 000 АҚШ доллари миқдоридаги қарз маблағларининг қайтарилиши Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетидан амалга оширилади.

6. Лойиҳа доирасида Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш халқаро жамғармасининг қарз маблағларини қайта кредитлаш битимларида субсидиар қарзнинг фоиз ставкаси «Қишлоқ хўжалигини диверсификация ва модернизация қилиш» лойиҳаси доирасида Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш халқаро жамғармаси қарз маблағларидан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги Низомга асосан белгилансин.

7. Қишлоқ хўжалиги вазирлигига бир ой муддатда «Қишлоқ хўжалигини диверсификация ва модернизация қилиш» лойиҳасига жалб этиладиган қўшимча молиялаштириш маблағлари доирасида Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш халқаро жамғармаси қарз маблағларидан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги Низомга ўзгартиришлар киритиш ҳамда Молия вазирлиги ва Марказий банкка тасдиқлаш учун киритиш вазифаси юклатилсин.

* 1 — 3-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

8. Молия вазирлиги Лойиҳа доирасида Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш халқаро жамғармаси қарз маблағлари бўйича қайта молиялаштириш битимларини, шунингдек, заруриятга кўра, уларга тегишли ўзгартиришларни имзолаш ваколати берилсин.

9. Ташқи ишлар вазирлиги Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг буюртма-номалари бўйича Лойиҳани амалга оширишда иштирок этувчи хорижий мутахассисларга кириш визалари тез фурсатларда расмийлаштирилишини таъминласин.

10. Ички ишлар вазирлиги Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг буюртма-номалари бўйича Лойиҳани амалга оширишда иштирок этувчи хорижий мутахассисларга кўп марталик визалар расмийлаштирилиши, берилиши ва муддати узайтирилишини, шунингдек, Ўзбекистон Республикасида вақтинча рўйхатга қўйилиши ва муддати узайтирилишини тез фурсатларда таъминласин.

11. Ҳисоб палатаси Лойиҳа доирасидаги маблағларнинг мақсадли ажратилиши ва сарфланиши устидан доимий назорат ўрнатсин ҳамда ҳар ярим йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ахборот киритиб борсин.

12. Коррупцияга қарши курашиш агентлиги Лойиҳа доирасида ажратилган маблағларнинг мақсадли ишлатилиши жараёнида очиқлик ва ошкораликни таъминлаш устидан доимий назорат ўрнатсин.

13. Ушбу қарорда белгиланган чора-тадбирларнинг самарали ва ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш мақсадида:

а) қишлоқ хўжалиги вазири Ж. Ходжаев:

бир ҳафта муддатда масъул ижрочилар иштирокида мажлис ўтказиб, уларнинг аниқ вазифаларини белгилаб берсин;

икки ҳафта муддатда Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари ҳокимликлари билан биргаликда Лойиҳа доирасида маблағлардан фойдаланиш бўйича ҳудудлар кесимида «Йўл харита»ларини тасдиқласин;

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Вафаев), Молия вазирлиги (Эргашев), Марказий банк (Холхужаев) билан биргаликда бир ой муддатда Лойиҳани амалга оширишга масъул бўлган ходимлар учун хорижий консултантларни жалб қилган ҳолда икки кунлик семинар ташкил қилсин;

молиялаштирилган сублойиҳалар тўғрисида, шунингдек, уларнинг сифатли амалга оширилиши устидан мониторинг натижалари юзасидан ҳар чорак якуни бўйича Вазирлар Маҳкамасига маълумот киритиб борсин;

б) Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари ҳокимликлари бир ой муддатда Лойиҳа доирасида амалга ошириладиган чора-тадбирлар юзасидан ташаббускорлар иштирокида тақдимотлар ўтказсин;

в) қишлоқ хўжалиги вазири Ж. Ходжаев:

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузурида соҳанинг етук маҳаллий мутахассисларидан иборат бўлган илмий-техник кенгашни шакллантириб, у томонидан Лойиҳанинг компонентлари доирасидаги техник топшириқлар амалга оширилиши, ҳужжатларнинг кўриб чиқилиши ва дастлабки хулоса берилишини;

қишлоқ хўжалигида билим, инновациялар ва агрохизматлар тизими доирасида илмий-тадқиқот ва инновация йўналишларига маблағларни ажратишда соҳани ривожлантиришнинг устувор вазифаларига мувофиқлиги, иқтисодий самарадорлиги ва асосланганлигига алоҳида эътибор қаратилишини;

Лойиҳани амалга оширишда қишлоқ хўжалигига ихтисослашган олий таълим муассасаларини кенг жалб қилиб, амалий семинар ва ўқув курслари ташкил этилишини;

Лойиҳа доирасида иқтисод қилинган маблағларни молиялаштиришнинг устувор йўналишларидан келиб чиқиб, Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш халқаро жамғармаси билан келишган ҳолда қайта тақсимланишини таъминласин.

Қишлоқ хўжалиги вазирига, зарур ҳолларда, ушбу қарорга 1 ва 3-иловлар билан тасдиқланган Лойиҳа техник-иқтисодий асосланувининг асосий кўрсаткичлари ҳамда «Йўл харитаси»га ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳуқуқи берилсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 ноябрдаги «Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш халқаро жамғармаси иштирокида «Қишлоқ хўжалигини диверсификация ва модернизация қилиш» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–4021-сон қарорига 4-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

15. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

16. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Ж.А. Қўчқаров ва Ў.И. Барноев зиммаларига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 15 сентябрь,
ПҚ–4830-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2020 йил 15 сентябрдаги
ПҚ-4830-сон қарорига
4-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил
20 ноябрдаги «Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш халқаро
жамғармаси иштирокида «Қишлоқ хўжалигини диверсифика-
ция ва модернизация қилиш» лойиҳасини амалга ошириш
чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4021-сон қарорига
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 1-банднинг тўртинчи хатбошисидаги «6 йил (2018 — 2023 йиллар)» сўзлари «7 йил (2019 — 2025 йиллар)» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. 3-банднинг иккинчи хатбошиси, қарорнинг 1-илоvasи ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. 2-банднинг учинчи хатбошисида, 4 ва 5-бандларда ҳамда 6-банднинг учинчи ва тўртинчи хатбошиларидаги «Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат таъминоти соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш агентлиги» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

**425 «Табиий газ назорати ва ҳисобининг автоматлашти-
рилган тизимини жорий этиш» лойиҳасини амалга
оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 июндаги «Табиий газ ва электр энергиясини сотиш механизмининг такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-6010-сон Фармонининг ижросини таъминлаш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш орқали табиий газни ҳисобга олиш тизимини такомиллаштириш, йўқотишларни бартараф этиш, шунингдек, истеъмол қилинган табиий газ учун тўловларнинг ўз вақтида ва тўлиқ ундирилишини таъминлаш мақсадида:

1. «Табиий газ назорати ва ҳисобининг автоматлаштирилган тизимини

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 25 сентябрда эълон қилинган.

жорий этиш» лойиҳасини (кейинги ўринларда — Лойиҳа) амалга ошириш доирасида «Худудгазтаъминот» АЖ томонидан маҳаллий ишлаб чиқарувчилар орасида белгиланган тартибда ўтказилган тендер натижаларига мувофиқ «Технопарк» МЧЖ билан электрон газ ҳисоблагичлари ва зарур бўлган ускуналарни етказиб бериш тўғрисида шартнома тузилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Лойиҳани амалга ошириш:

а) қуйидаги асосий йўналишлар асосида жадаллаштирилсин:

табiiй газ назорати ва ҳисобининг автоматлаштирилган тизимини (кейинги ўринларда — Тизим) «ишлаб чиқариш — газ тақсимлаш станцияси — туман (шаҳар) чегараси — йирик участкалар кириш қисми — истеъмолчи» принципи асосида бутун тармоқ бўйича жорий қилиш;

ҳисоблагичларни биринчи навбатда аҳолининг табiiй газ истеъмоли ва қарздорлик даражаси юқори бўлган худудларга ўрнатиш, шунингдек, йирик истеъмолчилар ва тадбиркорлик субъектларини уларнинг ҳисобидан Тизимга улаш;

аҳоли яшаш пунктларида барча истеъмолчиларнинг (маиший, саноат ва бюджет) ҳисоблагичларини ҳамда йирик участкалар кириш қисмидаги ҳисоблагичларни бир вақтнинг ўзида ўрнатиш ва Тизимга улаш ҳамда тармоқдаги йўқотишларни бартараф этиш бўйича ишларни ташкиллаштириш;

ҳисоблагичларни ўрнатиш ва Тизим имкониятларидан самарали фойдаланиш бўйича амалий машғулотларни ташкил этиш орқали жойлардаги барча ходимларнинг кўникма ва малакасини ошириш;

б) қуйидаги тартибда ташкил этилсин:

«Худудгазтаъминот» АЖ маблағлари эвазига 2020 йил 1 октябрга қадар Қибрай, Зангиота ва Тошкент туманларида Тизимни ўрнатиш;

Тикланиш ва тараққиёт жамғармасидан ажратиладиган кредит маблағлари эвазига 2021 йил 1 февралга қадар Ўртачирчиқ, Чиноз, Юқоричирчиқ, Янгийўл ва Кармана туманлари ҳамда Тошкент, Андижон, Бухоро, Гулистон, Жиззах, Наманган, Нукус, Самарқанд, Термиз, Урганч, Қарши, Каттақўрғон, Қўқон, Марғилон шаҳарларида ва бошқа қарздорлик даражаси баланд бўлган худудларда Тизимни ўрнатиш;

2021 йил 1 августга қадар республиканинг бошқа худудларида истеъмолчиларга замонавий ҳисоблагичларни ўрнатиб, Тизимни тўлиқ жорий этиш;

икки ой муддатда йирик истеъмолчилар, автомобилларга газ қуйиш шохобчалари ва қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчиларини, 2020 йил якунига қадар қолган тадбиркорлик субъектларини уларнинг ўз маблағлари ҳисобидан ҳамда 2021 йил 1 майга қадар ижтимоий соҳа объектларини Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан Тизимга уланишини таъминлаш.

3. Лойиҳани молиялаштириш ва 2021 йил 1 августга қадар амалга ошириш учун:

а) Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг 1 йиллик имтиёзли даврни ўз ичига олган ҳолда 4 йил муддатда қайтариш шарти билан, 6 ойлик ЛИБОР плюс 3 фоиз йиллик ставкада, имтиёзли даврда асосий қарз бўйича ҳисоб-

ланган фоизлар капитализация қилиниши ҳисобга олиниб, 150 миллион АҚШ доллари миқдоридagi кредити жалб қилинсин;

б) қўйидагилар жалб қилиниши маълумот учун қабул қилинсин:

«Ўзсаноатқурилишбанк» АТБнинг 27,5 миллион АҚШ доллари эквиваленти миқдоридagi кредити;

электрон газ ҳисоблагичларини йиғиш учун зарур бўлган эҳтиёт қисмларини Италиядан харид қилишга йўналтириладиган Италиянинг «SACE» давлат экспорт-кредит агентлигининг суғурта қопламаси остида хорижий тижорат банклари кредити;

Лойиҳанинг маҳаллий харажатларини қоплаш учун биринчи ўринда республика жамғармалари ва маҳаллий тижорат банкларининг маблағлари ва заруратга кўра хорижий молиявий ташкилотлар қарз маблағлари.

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Молия вазирлиги, Энергетика вазирлиги ва «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ билан биргаликда жорий йил якунига қадар Италиянинг «SACE» давлат экспорт-кредит агентлиги ва хорижий молиявий ташкилотлар билан музокаралар якунланишини ҳамда зарур миқдордаги маблағлар жалб қилинишини таъминласин.

Молия вазирлиги «Худудгазтаъминот» АЖнинг Лойиҳа доирасида таъминот бўйича молия ташкилотлари, жамғармалар ва банklar олдидаги мажбуриятлари юзасидан тегишли кредит шартномаларининг талаблари асосида Ўзбекистон Республикасининг давлат кафолатларини бериш ваколати тақдим этилсин.

4. Қўйидагилар:

Лойиҳа доирасида электрон газ ҳисоблагичларини етказиб бериш ва ўрнатиш графиклари 1 ва 2-иловаларга* мувофиқ;

табиий газ истеъмоли ва қарздорлик даражаси юқори бўлган худудларда Тизимни жорий қилиш графиги 3-иловага* мувофиқ;

табиий газ истеъмоли ва қарздорлик даражаси юқори бўлган худудларнинг йирик участкалари кириш қисмига электрон газ ҳисоблагичларини 2020 йилда ўрнатиш графиги 4-иловага* мувофиқ;

табиий газ улгуржи истеъмолчиларининг Лойиҳа маълумотлар базасига уланиш графиги 5-иловага* мувофиқ;

табиий газ ҳисоблагичларини ўрнатиш ҳамда Тизим имкониятларидан самарали фойдаланиш бўйича 2020 йил октябрь ойида ўтказиладиган амалий машғулотлар графиги 6-иловага* мувофиқ;

Тизимни жорий этишни ташкиллаштириш бўйича ишчи гуруҳининг намунавий таркиби 7-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

5. Тизимни жорий этишни ташкиллаштириш бўйича ишчи гуруҳлари:

бир ҳафта муддатда ҳисоблагичларни ўрнатиш ва Тизимга улаш ишларини ташкиллаштиришга маҳалла раислари ва нозирларини жалб қилиш ҳамда тизимли равишда аҳоли ўртасида кенг тушунтириш ишлари олиб боришни ташкил қилсин;

ҳисоблагичлар ўрнатилган хонадонларда ишлатилган табиий газ учун

* 1 — 7-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

тўловларни ўз вақтида амалга ошириш ва юзага келган қарздорликларни ундириш ишларини тизимли ташкил қилсин;

худудда Тизим имкониятларидан самарали фойдаланиш, ўрнатилган ҳисоблагичларга сервис хизматлари кўрсатиш ишларини ташкил қилсин;

Тизимни жорий этиш бўйича кунлик назорат ўрнатсин;

амалга оширилган ишлар тўғрисида масъул ташкилотлар раҳбарларининг ҳисоботларини ҳар ҳафтада туман ва шаҳар халқ депутатлари Кенгашларида ҳамда ҳар ойда вилоят даражасида эшитишни ташкиллаштирсин.

6. Тизим жорий этилишини назорат қилиш, натижадорлигини ўрганиш ва таҳлил қилиш комиссияси 8-иловага* мувофиқ таркибда ташкил этилсин.

Қуйидагилар мазкур комиссиянинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

Тизим жорий этилиши юзасидан назорат ўрнатиш, аниқланган камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш;

Тизимни жорий этишни ташкиллаштириш бўйича ишчи гуруҳларининг ишлари натижадорлигини, дебитор қарздорликни камайтириш ва ноқонуний уланишларга чек қўйиш самарадорлигини баҳолаш, ушбу йўналишларда масъул раҳбарларнинг лавозимга лойиқлиги юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритиш.

7. Вазирлар Маҳкамаси Ҳисоб палатаси, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Энергетика вазирлиги билан биргаликда 2020 йил 1 октябрдан бошлаб ушбу қарорга 3-иловада назарда тутилган ҳудудларда аҳолига сотилган табиий газ бўйича қўшимча тушумларнинг бир қисмини «Худудгазтаъминот» АЖнинг ҳар бир ҳудуд кесимида махсус ҳисоб рақамларида жамғариш ҳамда мазкур маблағлар ҳисобидан Тикланиш ва тараққиёт жамғармасидан жалб қилинган кредит маблағларини қайтариш тартибини жорий қилсин.

8. Ҳисоб палатаси тузилмасида ходимларнинг умумий чекланган сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида 5 нафар штат бирлигидан иборат Электр энергияси ва табиий газни ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимларининг жорий этилишини ҳамда ҳисоб-китоблар ҳолатини мониторинг қилиш шуъбаси ташкил этилсин.

Ҳисоб палатасига қуйидаги қўшимча вазифалар юклатилсин:

таъминотчи корхоналарнинг тақсимлаш тармоқларида электр энергияси ва табиий газ йўқотишларининг ўзгаришини таҳлил қилиш;

электр энергияси ва табиий газни ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимларини жорий этиш ҳолати, электр энергияси ва табиий газ истеъмоли, ўзаро ҳисоб-китоблар ва мавжуд дебитор-кредитор қарздорликларининг таҳлили ва мониторингини олиб бориш, ушбу йўналишларда тегишли чоралар кўриб бориш;

махсус ҳисоб рақамларга пул тушумлари, уларнинг мақсадли сарфланиши ҳамда Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг кредит маблағлари тўлиқ ва ўз вақтида қайтарилиши устидан тизимли назорат ўрнатиш.

* 8-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

9. «Худудгазтаъминот» АЖ:

2021 йил 1 январдан бошлаб табиий газ ҳисобини тўлиқ йўлга қўйиш, тўловларни ўз вақтида ва тўлиқ ундиришни таъминлаш, Тизим орқали аниқланган хатоларни тезкорлик билан жойига чиқиб, ўрганиш ва бартараф қилиш ишларини тизимли ташкиллаштиришни;

Лойиҳа доирасида ажратиладиган маблағлардан мақсадли ва самарали фойдаланишни ҳамда белгиланган тадбирларни ўз вақтида ва сифатли амалга оширишни;

табиий газ ҳисоблагичларини ўрнатиш ва Тизим имкониятларидан самарали фойдаланиш бўйича мазкур қарорга 6-иловадаги график асосида амалий машғулотлар ўтказилишини ташкил этиб, жойлардаги барча ходимларнинг кўникма ва малакасини оширишни;

ҳар бир туман ва шаҳарда ҳисоблагич ўрнатиш гуруҳларини шакллантириш, эҳтиёжга кўра, туманлараро мобил ўрнатиш гуруҳларини ташкиллаштириб, график асосида ҳудудларга жалб қилишни йўлга қўйишни;

худудий газ таъминоти ташкилотлари томонидан Лойиҳа доирасида табиий газ ҳисоблагичларининг истеъмолчиларга ўрнатилишида белгиланган тартибга қатъий риоя этилишини ва истеъмолчилар ҳуқуқлари бузилишининг олдини олишни;

маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналар билан тузилган шартномалар доирасида белгиланган тўловларни ўз вақтида амалга оширишни;

мутасадди вазирлик ва идоралар билан биргаликда Лойиҳанинг техник-иқтисодий асосланишининг экспертизасини яқунлаб, 2020 йил 1 декабрга қадар тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритишни;

2021 йил 1 июнга қадар Тизим билан мувофиқликда ишловчи замонавий биллинг тизими яратилишини;

«Ўзэлтехсаноат» уюшмаси билан биргаликда туман ва шаҳарлар кесимида электрон газ ҳисоблагичлари ўз вақтида етказиб берилишини, шунингдек, ҳар бир ҳудудда ҳисоблагич ва бошқа ускуналарни таъмирлаш ва уларга сервис хизматини кўрсатиш шохобчалари ташкил қилинишини таъминласин.

10. Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда истеъмолчиларнинг «Худудгазтаъминот» АЖ олдидаги истеъмол қилинган табиий газ учун қарздорликларини ундириш графигини ишлаб чиқиб, уни амалга ошириш чораларини кўриб борсин.

11. Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси томонидан Лойиҳани молиялаштириш учун ажратиладиган кредитни сўндириш ҳамда ушбу кредит бўйича фоиз ва комиссияларни тўлашнинг прогноз жадвали 9-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

12. Энергетика вазирлиги Лойиҳа доирасида:

«Худудгазтаъминот» АЖга ажратиладиган қарз маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш;

табиий газ ҳисобини юритиш;

аҳолига етказиб берилаётган табиий газ йўқотишларини бартараф этиш бўйича режалаштирилган натижадорликни таъминлаш;

* 9-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

тўловларни ўз вақтида ва тўлиқ миқдорларда ундирилишини таъминлаш устидан қатъий назорат ўрнатсин.

13. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Идоралараро тариф комиссияси икки ҳафта муддатда:

«Худудгазтаъминот» АЖнинг Лойиҳа бўйича мажбуриятларини ҳисобга олган ҳолда табиий газни сотиб олиш нархларини ва табиий газни сотишдан тушган маблағларни тақсимлаш тартибини қайта кўриб чиқиб, тасдиқласин;

республикадаги иссиқлик таъминоти корхоналарининг пул маблағлари тақсимоти тартибини «Худудгазтаъминот» АЖ олдидаги етказиб берилган табиий газ учун мавжуд қарздорликни сўндиришни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқиб, тасдиқласин.

14. «Худудгазтаъминот» АЖга Лойиҳа амалга оширилишида, истисно тариқасида, унинг техник-иқтисодий асосланиши тасдиқлангунига қадар Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳамда «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ билан биргаликда ўрнатилган тартибда экспертизадан ўтган импорт шартномалари, шунингдек, маҳаллий пудратчи ва таъминотчи ташкилотлар билан тузилган шартномалар бўйича молиялаштиришга рухсат берилсин.

15. Белгилаб қўйилсинки:

Энергетика вазирлиги Лойиҳа ўз вақтида амалга оширилишига масъул ижрочи орган ҳисобланади;

«Худудгазтаъминот» АЖ Лойиҳа доирасида жалб этилаётган кредитлар бўйича қарз олувчи ҳисобланади, у асосий қарзни тўлайди, тегишли маблағлар ҳисобидан фоизлар, комиссиялар ва кредитларга хизмат кўрсатиш бўйича бошқа харажатларни қоплайди ҳамда жалб этиладиган қарз ва кредит маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш учун масъул ҳисобланади;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоят ҳокимликлари «Худудгазтаъминот» АЖ билан ҳамкорликда мазкур қарорга 3 ва 4-иловаларга мувофиқ электрон газ ҳисоблагичларининг тўлиқ ўрнатилишини таъминлайди;

ушбу қарорга 5-иловада белгиланган муддатлардан сўнг улгуржи истеъмолчилар билан шартномавий муносабатларга маълумотларнинг Тизимга фақат онлайн тарзда узатилиши таъминланган ҳолда йўл қўйилади.

16. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги «Худудгазтаъминот» АЖ билан биргаликда:

икки ҳафта муддатда Тизим ўрнатиладиган ҳудудларда алоқа ва Интернет қамрови билан таъминланганлик ҳамда алоқа сифати техник талабларга мослиги даражасини ўргансин;

бир ой муддатда барча ҳудудларни алоқа ва Интернет қамрови билан 2020 йил якунига қадар таъминлаш ҳамда алоқа сифатини техник талабларга мослаштириш бўйича амалий чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқсин ва унинг амалга оширилишини таъминлаб борсин.

17. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Респуб-

ликасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ҳисоб палатаси раисининг биринчи ўринбосари Б.Т. Турабов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 24 сентябрь,
ПҚ-4840-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**

426 Халқаро шартномага қўшилиш тўғрисида*

1. Юкларни халқаро йўлларда ташиш шартномаси тўғрисидаги Конвенциянинг электрон юк хатига оид 2008 йил 20 февралда Женева шаҳрида имзоланган Қўшимча баённомасига қўшилисин.

2. Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги мазкур халқаро шартномани амалга ошириш учун масъул орган этиб белгилансин.

3. Ташқи ишлар вазирлиги Ўзбекистон Республикаси мазкур халқаро шартномага қўшилиши ҳамда уни амалга ошириш учун масъул орган тўғрисида депозитарийга тегишли билдиришнома йўлласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳамда тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари ушбу халқаро шартнома кучга киргандан кейин Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари амалга оширилиши устидан белгиланган тартибда назоратни таъминласин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 25 сентябрь,
ПҚ-4842-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 26 сентябрда эълон қилинган.

БЕШИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ****427 Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан қабул қилинган айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида***

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 16 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3282

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ва «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 майдаги ПФ–5997-сон «Давлат ҳуқуқий сиёсатини амалга оширишда адлия органлари ва муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан қабул қилинган айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 4 сентябрь,
13/9-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 16 сентябрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки бошқарувининг 2020 йил
4 сентябрдаги 13/9-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўз кучини йўқотган деб топилаётган
норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви томонидан 1998 йил 26 декабрда 74-сон билан тасдиқланган Марказий банк томонидан банк ва бошқа кредит ташкилотлари фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларини бузганликлари учун тижорат банклари, микрокредит ташкилотлари ва ломбардларга нисбатан қўлланиладиган чора ва санкциялар тўғрисида низом (рўйхат рақами 622, 1999 йил 5 февраль).

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви томонидан 2000 йил 25 мартда 74-1-сон билан тасдиқланган «Марказий банк бошқаруви томонидан 1998 йил 26 декабрдаги 74-сонли «Банк қонунчилиги ва банк фаолиятини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатларни бузганликлари учун Марказий банк томонидан тижорат банкларига нисбатан қўлланиладиган чора ва санкциялар тўғрисидаги низом»га киритиладиган 1-сон ўзгартиришлар ва қўшимчалар» (рўйхат рақами 622-1, 2000 йил 22 май).

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2005 йил 29 январдаги 74-2-сон «Банк қонунчилиги ва банк фаолиятини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатларни бузганликлари учун Марказий банк томонидан тижорат банкларига нисбатан қўлланиладиган чора ва санкциялар тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 622-2, 2005 йил 18 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами 2005 й., 10-11-сон, 83-модда).

4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2008 йил 20 сентябрдаги 21/5-сон «Банк қонунчилиги ва банк фаолиятини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатларни бузганликлари учун Марказий банк томонидан тижорат банкларига нисбатан қўлланиладиган чора ва санкциялар тўғрисидаги низомга қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 622-3, 2008 йил 7 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами 2008 й., 40-41-сон, 416-модда).

5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2011 йил 9 апрелдаги 10/3-сон «Марказий банк томонидан банк қонунчилиги ва банк фаолиятини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатларни бузганликлари учун тижорат банкларига нисбатан қўлланиладиган чора ва санкциялар тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 622-4, 2011 йил 27 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами 2011 й., 17-сон, 177-модда).

6. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2013 йил

21 сентябрдаги 17/2-сон «Марказий банк томонидан банк қонунчилиги ва банк фаолиятини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатларни бузганликлари учун тижорат банкларига нисбатан қўлланиладиган чора ва санкциялар тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 622-5, 2013 йил 14 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами 2013 й., 42-сон, 563-модда).

7. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2014 йил 23 августдаги 28/3-сон «Марказий банк томонидан банк қонунчилиги ва банк фаолиятини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатларни бузганликлари учун тижорат банкларига нисбатан қўлланиладиган чора ва санкциялар тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 622-6, 2014 йил 5 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами 2014 й., 36-сон, 460-модда).

8. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2017 йил 23 сентябрдаги 26/9-сон «Марказий банк томонидан банк қонунчилиги ва банк фаолиятини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатларни бузганликлари учун тижорат банкларига нисбатан қўлланиладиган чора ва санкциялар тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 622-7, 2017 йил 24 октябрь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 25.10.2017 й., 10/17/622-7/0178-сон).

9. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2019 йил 19 январдаги 1/4-сон «Марказий банк томонидан банк қонунчилиги ва банк фаолиятини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатларни бузганликлари учун тижорат банкларига нисбатан қўлланиладиган чора ва санкциялар тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 622-8, 2019 йил 12 февраль) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.02.2019 й., 10/19/622-8/2605-сон).

10. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2019 йил 20 апрелдаги 8/4-сон «Марказий банк томонидан банк қонунчилиги ва банк фаолиятини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатларни бузганликлари учун тижорат банкларига нисбатан қўлланиладиган чора ва санкциялар тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 622-9, 2019 йил 23 май) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.05.2019 й., 10/19/622-9/3178-сон).

11. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2002 йил 22 апрелдаги 10/4-сон «Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг жисмоний шахсларга мўлжалланган облигацияларини чиқарилиши ва муомаласи тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1141, 2002 йил 16 май) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2002 й., 10-сон).

12. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2003 йил 19 июлдаги 15/8-сон «Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг жисмоний шахслар учун облигацияларини чиқариш ва улар муомаласи тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат ра-

қамаи 1141-1, 2003 йил 6 август) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат кўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2003 й., 15-сон).

13. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2010 йил 11 майдаги 18/11-сон «Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг жисмоний шахсларга мўлжалланган облигацияларининг чиқарилиши ва муомаласи тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 1141-2, 2010 йил 17 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами 2010 й., 24-25-сон, 201-модда).

14. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2018 йил 15 декабрдаги 39/14-сон «Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг жисмоний шахсларга мўлжалланган облигацияларининг чиқарилиши ва муомаласи тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1141-3, 2019 йил 4 январь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.01.2019 й., 10/18/1141-3/2421-сон).

15. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2019 йил 16 мартдаги 5/22-сон «Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг жисмоний шахсларга мўлжалланган облигацияларининг чиқарилиши ва муомаласи тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1141-4, 2019 йил 8 апрель) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 08.04.2019 й., 10/19/1141-4/2900-сон).

16. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2009 йил 29 декабрдаги 39/1-сон «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашишга оид қонун ҳужжатлари талабларини бузганликлари учун тижорат банклари, микрокредит ташкилотлари ва ломбардларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан қўлланиладиган чоралар ва санкциялар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2063, 2010 йил 13 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами 2010 й., 1-2-сон, 12-модда).

17. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2013 йил 16 февралдаги 4/1-сон «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашишга оид қонун ҳужжатлари талабларини бузганликлари учун тижорат банклари, кредит уюшмалари, микрокредит ташкилотлари ва ломбардларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан қўлланиладиган чоралар ва санкциялар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 2063-1, 2013 йил 20 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами 2013 й., 8-сон, 109-модда).

18. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2019 йил 16 мартдаги 5/15-сон «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашишга оид қонун ҳужжатлари талабларини бузганликлари учун тижорат банклари,

микрокредит ташкилотлари ва ломбардларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан қўлланиладиган чоралар ва санкциялар тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2063-2, 2019 йил 16 апрель) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 16.04.2019 й., 10/19/2063-2/2945-сон).

19. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2019 йил 24 августдаги 21/15-сон «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролли тарқатишни молиялаштиришга қарши курашишга оид қонун ҳужжатлари талабларини бузганликлари учун тижорат банклари, микрокредит ташкилотлари ва ломбардларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан қўлланиладиган чоралар ва санкциялар тўғрисидаги низомнинг 4-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2063-3, 2019 йил 7 сентябрь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 07.09.2019 й., 10/19/2063-3/3704-сон).

20. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2017 йил 17 июндаги 13/1-сон «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тижорат банкларига таъминотсиз кредитларни бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2891, 2017 йил 20 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами 2017 й., 25-сон, 560-модда).

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

428 Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш, юридик-техник жиҳатдан расмийлаштириш ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисида услубий кўрсатмаларга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 18 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2352-9

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 12 августдаги 484-сон «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат ҳуқуқий сиёсатини амалга оширишда адлия органлари ва муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2020 йил 19 майдаги ПФ–5997-сон Фармони)» ҳамда 2020 йил 24 августдаги 509-сон «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Нефть ва газ геология-қидирув ишларини ташкил этиш ва олиб бориш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 18 ноябрдаги ПҚ–4522-сон ҳамда «Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси тизимида Геология фанлари университети фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2020 йил 8 июлдаги ПҚ–4740-сон қарорлари)» қарорларига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2012 йил 9 апрелдаги 83-мх-сон буйруғи (рўйхат рақами 2352, 2012 йил 9 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 15-сон, 173-модда) билан тасдиқланган Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш, юридик-техник жиҳатдан расмийлаштириш ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисида услубий кўрсатмаларга иловага мувофиқ қўшимча ва ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ҳамда Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритсин.

3. Қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш ва туркумлаш бошқармаси ушбу

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 18 сентябрда эълон қилинган.

идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинишини таъминласин.

4. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Адлия вазири

Р. ДАВЛЕТОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 18 сентябрь,
203-мҳ-сон

Ўзбекистон Республикаси
адлия вазирининг 2020 йил 18 сентябрдаги
203-мҳ-сон буйруғига
ИЛОВА

Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш, юридик-техник жиҳатдан расмийлаштириш ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисида услубий кўрсатмаларга киритилаётган қўшимча ва ўзгартиришлар

1. 7-бандда:

қўйидаги мазмундаги иккинчи ва учинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

«Хўжалик бошқаруви органлари ваколатига кирувчи масалалар ва корпоратив муносабатларни қонуности ҳужжатларини қабул қилиш ёки маъмурий усуллар орқали тартибга солиш тақиқланади.

Қонуности ҳужжатларининг лойиҳаларига жисмоний ва юридик шахслар учун жавобгарлик белгилловчи ҳуқуқий нормалар киритилиши тақиқланади.»;

иккинчи хатбоши тўртинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

2. Қўйидаги мазмундаги 58¹-банд билан тўлдирилсин:

«58¹. Янги қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда уни амалга оширишга қаратилган ҳаволаки нормалар янги қонун билан бирга ёки қонунда белгиланган муддатда ишлаб чиқилади.».

3. 89-бандда:

қўйидаги мазмундаги саккизинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси билан — ер қаърини геологик ўрганиш, ундан фойдаланиш ва уни

муҳофаза қилиш, шунингдек, кончилик соҳасидаги муносабатларни бошқаришга оид лойиҳалар;»;

саккизинчи — ўн тўртинчи хатбошилар тегишли равишда тўққизинчи — ўн бешинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

429 «Ўзбекистон почтаси» очик акциядорлик жамиятининг талаб қилиб олингунча махсус депозит ҳисобварақларидан операцияларни амалга ошириш ва уларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни, шунингдек, унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил
22 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1790-2*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 августдаги ПФ-5505-сон «Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки Бошқаруви ва Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб топилсин:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки бошқаруви ва Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг 2008 йил 10 мартдаги 22, 301-В, 10-8/719-сон «Ўзбекистон почтаси» очик акциядорлик жамиятининг талаб қилиб олингунча махсус депозит ҳисобварақларидан операцияларни амалга ошириш ва уларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор (рўйхат рақами 1790, 2008 йил 14 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 16-сон, 120-модда);

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки Бошқа-

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 22 сентябрда эълон қилинган.

руви ва Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасининг 2013 йил 13 июндаги 58, 12/7, 27-мх-сон «Ўзбекистон почтаси» очик акциядорлик жамиятининг талаб қилиб олингунча махсус депозит ҳисобварақларидан операцияларни амалга ошириш ва уларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1790-1, 2013 йил 21 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 25-сон, 329-модда).

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан келишилган.

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Молия вазири

Т. ИШМЕТОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 11 сентябрь,
41-сон

**Ахборот технологиялари ва
коммуникацияларини
ривожлантириш вазири**

Ш. САДИКОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 9 сентябрь,
209-МН-сон

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 11 сентябрь,
21/4-сон

Келишилди:

**Бандлик ва меҳнат
муносабатлари вазири**

Н. ХУСАНОВ

2020 йил 10 сентябрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

430 Ўзбекистон Республикаси Марказий банки облигацияларининг чиқарилиши ва муомалада бўлиши тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил
24 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3080-1*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги ва «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги қонунларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 18 ноябрдаги ПФ-5877-сон «Инфляция таргетлаш режимига босқичма-босқич ўтиш орқали пул-кредит сис-темини такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармониغا мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2018 йил 22 сентябрдаги 30/14-сон қарори (рўйхат рақами 3080, 2018 йил 25 октябрь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 27.10.2018 й., 10/18/3080/2114-сон) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Марказий банки облигацияларининг чиқарилиши ва муомалада бўлиши тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 7 сентябрь,
18/15-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 24 сентябрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки бошқарувининг 2020 йил
7 сентябрдаги 18/15-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки
облигацияларининг чиқарилиши ва муомалада бўлиши
тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган
ўзгартиришлар**

1. 1-бандда:

иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«**Марказий банк облигациялари** (бундан буён матнда облигациялар деб юритилади) — облигация эгасига белгиланган тартибда даромад олиш ҳуқуқини берувчи Марказий банк томонидан электрон шаклда чиқариладиган эмиссиявий қимматли қоғозлар;»;

тўққизинчи ва ўнинчи хатбошилардаги «фоиз ставкаси» деган сўзлар «нархи» деган сўз билан алмаштирилсин;

ўн биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«**чегириш нархи** — аукцион савдолари натижаларига кўра тижорат банкларининг қондириладиган рақобатли буюртмаларида таклиф этилган минимал нарх;».

2. 4-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«4. Облигациялар Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида номинал қиймати кўрсатилган ҳолда қатъий белгиланган купон ставкаси билан ёки дисконт облигациялар шаклида чиқарилади.

Бунда, дисконт облигациянинг номинал қиймати ҳамда харид қиймати ўртасидаги фарқ дилер учун даромад бўлиб ҳисобланади.».

3. 9-банддаги «куннинг кейинги кунидан» деган сўзлар «кундан» деган сўз билан алмаштирилсин.

4. 12-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин.

5. 13-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«13. Облигацияларни жойлаштириш бўйича аукцион савдолари шартлари тўғрисидаги маълумотлар аукцион савдоси ўтказиладиган кундан камида 1 иш куни олдин Марказий банкнинг расмий веб-сайтида эълон қилинади.».

6. 19-банддаги «фоиз ставкаси» деган сўзлар «нархи» деган сўз билан алмаштирилсин.

7. 20-бандда:

биринчи хатбошидаги «фоиз ставкасида» деган сўзлар «нархда» деган сўз билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўртача тортилган нарх аукцион савдолари яқунлари бўйича тўлиқ ёки қисман қондирилган рақобатли буюртмалар нархи ҳамда сотиб олинган облигациялар миқдорларидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.».

8. 21-бандда:

иккинчи хатбошидаги «фоиз ставкалари» деган сўзлар «нархлар» деган сўз билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги «фоиз ставкаси» деган сўзлар «нархи» деган сўз билан алмаштирилсин.

9. 22-банддан «мазкур Низомнинг 2-иловасига мувофиқ» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

10. 23-банддаги «фоиз ставкаларидан» ва «фоиз ставкасини» деган сўзлар тегишли равишда «нархлардан» ва «нархини» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

11. 24 ва 25-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«24. Аукцион савдолари натижаларида белгиланган чегириш нархидан паст нархдаги буюртмалар қондирилмайди.

25. Марказий банк аукцион савдолари натижалари бўйича тижорат банкларининг аввал рақобатсиз буюртмаларини тўлиқ, шунингдек, таклиф этилган нархи чегириш нархидан паст бўлмаган рақобатли буюртмаларни қондириш бўйича валюта биржасига топшириқ беради.

Рақобатли буюртмалар уларда таклиф қилинган максимал нархлардан чегириш нархигача бўлган тартибда қондирилади.».

12. 26-банддаги «фоиз ставкаси» ва «фоиз ставкасига» деган сўзлар тегишли равишда «нархи» ва «нархига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

13. 45-банднинг биринчи ва олтинчи хатбошиларидаги «фоиз ставкаси» деган сўзлар «купон ставкаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

14. 1 ва 2-иловалар ўз кучини йўқотган деб топилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ**431 Суғурталовчи ва қайта суғурталовчининг инвестицион фаолияти тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида***

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 25 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1982-1

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 августдаги ПҚ-4412-сон «Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 24 июлдаги 620-сон «Хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш тартибини такомиллаштириш ҳақида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2009 йил 3 июлдаги 68-сон буйруғи (рўйхат рақами 1982, 2009 йил 16 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 29-сон, 340-модда) билан тасдиқланган Суғурталовчи ва қайта суғурталовчининг инвестицион фаолияти тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Молия вазири

Т. ИШМЕТОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 10 сентябрь,
39-сон

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 25 сентябрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
молия вазирининг 2020 йил 10 сентябрдаги
39-сон буйруғига
ИЛОВА

**Суғурталовчи ва қайта суғурталовчининг инвестицион
фаолияти тўғрисидаги низомга киритилаётган
ўзгартиришлар ва қўшимча**

1. 2-бандда:
учинчи хатбоши чиқариб ташлансин;
тўртинчи — тўққизинчи хатбошилар тегишли равишда учинчи — саккизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.
2. 3-банд қуйидаги мазмундаги хатбошилар билан тўлдирилсин:
«ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотлари устав капиталида улушли иштирок этиш, шунингдек, ипотека қимматли қоғозларини сотиб олиш;
лизинг ташкилотларига қарзлар (молиявий ёрдам).».
3. 21-банднинг «а» кичик банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:
«а) Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларида олинган олий (иқтисодий, молиявий, бухгалтерия, математик) маълумотга ёки хорижий давлатларнинг таълим муассасаларида олинган ҳамда қонун ҳужжатларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасида тан олинган олий (иқтисодий, молиявий, бухгалтерия, математик) маълумотга эга бўлиши;».

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат кўмиталари ва
идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат
рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги
маълумотни маълум қилади

1. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2020 йил 4 сентябрдаги 13/9-сон «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан қабул қилинган айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

2020 йил 16 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3282.

2. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2020 йил 18 сентябрдаги 203-мх-сон «Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш, юридик-техник жиҳатдан расмийлаштириш ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисида услубий кўрсатмаларга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

2020 йил 18 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2352-9.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки бошқаруви, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2020 йил 11 сентябрдаги 41-сон, 2020 йил 9 сентябрдаги 209-МН-сон, 2020 йил 11 сентябрдаги 21/4-сон «Ўзбекистон почтаси» очик акциядорлик жамиятининг талаб қилиб олингунча махсус депозит ҳисобварақларидан операцияларни амалга ошириш ва уларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни, шунингдек, унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори

2020 йил 22 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1790-2.

4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2020 йил 7 сентябрдаги 18/15-сон «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки облигацияларининг чиқарилиши ва муомалада бўлиши тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

2020 йил 24 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3080-1.

5. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2020 йил 10 сентябрдаги 39-сон «Суғурталовчи ва қайта суғурталовчининг инвестицион фаолияти тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2020 йил 25 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1982-1.

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви томонидан тасдиқланган Марказий банк томонидан банк ва бошқа кредит ташкилотлари фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларини бузганликлари учун тижорат банклари, микрокредит ташкилотлари ва ломбардларга нисбатан қўлланиладиган чора ва санкциялар тўғрисида низом (рўйхат рақами 622, 1999 йил 5 февраль), (рўйхат рақами 1790, 2008 йил 14 апрель), шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 622-1, 2000 йил 22 май), (рўйхат рақами 622-2, 2005 йил 18 март), (рўйхат рақами 622-3, 2008 йил 7 октябрь), (рўйхат рақами 622-4, 2011 йил 27 апрель), (рўйхат рақами 622-5, 2013 йил 14 октябрь), (рўйхат рақами 622-6, 2014 йил 5 сентябрь), (рўйхат рақами 622-7, 2017 йил 24 октябрь), (рўйхат рақами 622-8, 2019 йил 12 февраль), (рўйхат рақами 622-9, 2019 йил 23 май).

2020 йил 16 сентябрда давлат реестридан чиқарилди.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг жисмоний шахсларга мўлжалланган облигацияларини чиқарилиши ва муомаласи тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1141, 2002 йил 16 май), шунингдек, унга ўзгартиришлар (рўйхат рақами 1141-1, 2003 йил 6 август), (рўйхат рақами 1141-2, 2010 йил 17 июнь), (рўйхат рақами 1141-3, 2019 йил 4 январь), (рўйхат рақами 1141-4, 2019 йил 8 апрель).

2020 йил 16 сентябрда давлат реестридан чиқарилди.

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашишга оид қонун ҳужжатлари талабларини бузганликлари учун тижорат банклари, микрокредит ташкилотлари ва ломбардларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан қўлланиладиган чоралар ва санкциялар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2063, 2010 йил 13 январь), шунингдек, унга ўзгартиришлар (рўйхат рақами 2063-1, 2013 йил 20 февраль), (рўйхат рақами 2063-2, 2019 йил 16 апрель), (рўйхат рақами 2063-3, 2019 йил 7 сентябрь).

2020 йил 16 сентябрда давлат реестридан чиқарилди.

4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тижорат банкларига таъминотсиз кредитларни бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»-ги қарори (рўйхат рақами 2891, 2017 йил 20 июнь).

2020 йил 16 сентябрда давлат реестридан чиқарилди.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки бошқаруви, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг «Ўзбекистон почтаси» очиқ акциядорлик жамиятининг талаб қилиб олингунча махсус депозит ҳисобварақларидан операцияларни амалга ошириш ва уларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1790, 2008 йил 14 апрель), шунингдек, унга ўзгартириш ва қўшимчалар (1790-1, 2013 йил 21 июнь).

2020 йил 22 сентябрда давлат реестридан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.

